ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

СОЛИҚЛАР ВА СУҒУРТА

“СУҒУРТА ИШИ” КАФЕДРАСИ

НОСИРОВ АБДУЛХАМИД АБДУРАХМОНОВИЧ

“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУҒУРТА КОМПАНИЯЛАРИ ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ”

5231200 – “Суғурта иши” бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалавр даражасини олиш учун ёзилган**)**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

“ҲИМОЯГА РУХСАТ ЭТИЛДИ”
Факультет декани
_____ и.ф.н., доц Ғ.А.Сафаров

“____”_____201___й.

“ҲИМОЯГА РУХСАТ ЭТИЛДИ”
“Суғурта иши” кафедраси мудири
_____ и.ф.н., доц И.Х.Абдурахмонов

“____”_____2019 й.

Илмий раҳбар:

_____И.Х.Абдурахмонов

“___”_____201__й.

ТОШКЕНТ - 2019

Мен, Носиров Абдулхамид Абдурахмонович ушбу битирув малакавий ишини мустақил бажардим. Кўчирмачилик ҳолати йўқлигига жавоб бераман. Кўчирмачиликка йўл қўйган бўлсам битирув малакавий иши Якуний Давлат Аттестация Комиссияси раиси тақдимномасига асосан бекор қилиниши ва “қониқарсиз” баҳоланишини биламан.

А.А. Носиров _____ “___”_____2019 й.

М У Н Д А Р И Ж А **бетлар**

КИРИШ..... 3

I БОБ. СУҒУРТА КОМПАНИЯЛАРИНИНГ ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАРИ..... 7

1.1. Суғурта компаниялари молиявий имкониятларининг шаклланиш манбалари..... **7**

1.2. Суғурта компаниялари инвестицион фаолият борасидаги назарий адабиётлар шарҳи..... **12**

1.3. Суғурта компанияларининг инвестицион фаолият олиб бориш сиёсатининг моҳияти..... **20**

II БОБ. ЎЗБЕКИСТОН СУҒУРТА БОЗОРИНИНГ ИНВЕСТИЦИОН ҲОЛАТИ ВА ТАҲЛИЛИ..... 25

2.1. Суғурта хизматлар бозори салоҳиятининг таҳлили..... **25**

2.2. Суғурта бозори ва фонд бозориларининг ўзаро фаолият кўрсатишларининг асосий йўналишлари хориж тажрибаси.... **33**

III БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУДЛИКАСИДА СУҒУРТА КОМПАНИЯЛАРИНИНГ ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ..... 39

3.1. Суғурта компанияларининг инвестицион фаолиятни самарадорлигини ошириш йўналишлари..... **39**

3.2. Суғурта компанияларининг фонд бозоридаги иштирокини давлат томонидан назорат қилиш ва қўллаб-қуватлаш..... **44**

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР..... 52

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ..... 56

КІ Ш

Мавзунинг долзарблиги. Зам ий иқтисодиёт шароитида суғурта ва фонд бозорлари ўзаро боғлиқ ва алоқадорликда бўлган иккита ажралмас тизимдир. Хорижий суғурта компанияларининг фонд бозоридаги пул маблағлари оқими унинг тўғридан-тўғри суғурта операциялари (суғурта мукофотлари) ҳажмини билан тенглаштирилади ва қайта суғурта операциялари ҳажмидан ҳам юқори бўлади. Статистик маълумотлардан шуни кўришимиз мумкинки, суғурта компанияларининг фонд бозоридаги фаолиятлари натижасида олган доромадлари унинг зарарлилик даражаси юқори бўлган суғурта турлари бўйича суғурта қопламаларини ўз вақтида ва тўлалигича қоплаб беришлари учун асосий манба бўлиб хизмат қилмоқда.

Шу ўринда мамлакатимиз суғурта соҳасидаги изчил ислоҳотлар иқтисодиётимиздаги чуқур таркибий ўзгаришларнинг мустаҳкам асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Пировардида соҳа вакиллари учун кенг имконият ва имтиёзлар яратилиб, улар томонидан тайёрланаётган рақобатбардош маҳсулотлар бозорда мустаҳкам жой эгаллаяпти.

Мамлакатимиз раҳбари томонидан иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг барқарор ишлашига эришишда уларни айланма маблағлар билан таъминлаш, улар фаолиятидаги тўсиқларни тизимли равишда босқичма-босқич барҳам бериш, уларни турли хил кўринишдаги хавф-хатарлардан ҳимоя қилиш муҳимлигини алоҳида таъкидлаб ўтилмоқда. Бугунги кунда барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлардан кўзланган пировард мақсад мамлакатимиз иқтисодиётини янада ривожлантириш, халқимиз турмуш фаровонлигини юксалтиришга қаратилган, ана шундай иқтисодиёт тармоқларидан бири бу суғурта хизматлари соҳасидир. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича “ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ” ишлаб чиқилган бўлиб, “Иқтисодиётни ривожлантириш ва

либераллаштиришнинг устувор йўналишарида суғурта соҳасини ривожлантириш юзасидан қўйидагилар белгилаб берилган:

– янги турлардаги суғурта, лизинг ва бошқа молиявий хизматларнинг ҳисобига уларнинг ҳажмини кенгайтириш ва сифатини ошириш, капитални жалб қилиш ҳамда корхона, молиявий институтлар ва аҳолининг эркин ресурсларини жойлаштиришдаги муқобил манба сифатида фонд бозорини ривожлантириш”.[1]

Бундан ташқари кўплаб хорижий экспертлар томонидан молиявий-инвестицион суғурта холдинглари доирасида мижозларга кенг қамровли молиявий хизматларни кўрсатиш ғояси кенг тарғиб қилинмоқда. Мижозларга алоҳида суғурта ёки молиявий хизматларнинг бир неча тури эмас, балки унинг молиясини комплекс хавфсизлиги таклиф этилади. Масалан, қўшимча пенсия маблағларини йиғиб олган шахсга пенсия жамғармаси, ҳаёт суғуртаси, жамғарилган капитални бошқариш, ахборот хизматлари (молиявий супермаркетларда чегирмалар бериш) каби кенг қамровли хизматларни таклиф қилиш. Йирик корхоналар, кичик бизнес субъектлари ва бошқалар учун комплекс дастурлар тақдим қилиш мумкин.

Афсуски Ўзбекистонда бу муаммоларнинг барчаси “хорижий тажриба ва амалиёт” тариқасида ёки “бозорни ривожлантириш” рукини остида талқин қилинади.

Қимматли қоғозлар бозорида суғурта компанияларининг инвестицион имкониятлари тўлақонли намоён бўлмаяпти бу биринчи навбатда фонд бозорининг ўзи хали ривожланиш босқичидалиги билан намёон бўлмоқда. Ривожланган мамлакатларнинг молиявий суғурта маҳсулотлари бизнинг амалиётга тадбиқ этилиши суст кечмоқда, суғурта компанияларининг бу борада ўзлари олиб бораётган фаолиятлари сезиларли эмас. Бироқ бундай тажрибаларни кенг қўлланилиши молия бозорлари билан суғуртанинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатиши шубҳасиздир.

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони 2017 йил 7 февраль.

Буларнинг барчаси биз кўтарган масаланинг ва битирув малакавий иши мавзусининг долзарблигини тасдиқлайди.

Битирув малакавий ишнинг мақсад ва вазифалари. Тадқиқотнинг мақсади миллий суғурта компанияларининг инвестицион фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Битирув малакавий ишининг мақсадидан келиб чиқан ҳолда қўйидаги **вазифалар** белгиланди:

– мавжуд илмий-амалий манбаларни таҳлил этиш натижасида суғурта ва суғурта компанияларининг инвестицион фаолиятини ўрганиш;

– суғурта компанияларининг молиявий маблағлар шаклланиш механизмини таҳлил қилиш;

– суғурта компанияларининг фонд бозоридаги иштрокини тизимли таҳлил қилиш;

– суғурта бозорининг салоҳиятини таҳлил қилиш

– суғурт компанияларининг инвестицион фаолиятларини танқидий ўрганиш ва баҳолаш;

– суғурта ва фонд бозорларини ўзаро алоқадорликда ривожланиши юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Битирув малакавий ишнинг объекти ва предмети. Тадқиқотининг объекти суғурта компанияларининг инвестицион фаолиятлари ҳисобланади.

Тадқиқот предмети суғурта бозори субъектларининг фонд бозоридаги иқтисодий, молиявий ва инвестицион фаолиятлари тадқиқот предметини белгилайди.

Битирув малакавий ишнинг назарий-амалий аҳамияти. Тадқиқот нанижасида олинган фикр, хулоса, амалий таклиф ва илмий тавсиялар келажакда Ўзбекистон суғурта бозорини ривожланишида, хусусан суғурта команиялариниг молиявий имкониятларини ошириш, капиталлашув даражасини кўтариш, суғурта захираларини самарали жойлаштириш, суғурта компанияларининг инвестицион фаолиятдан оладиган даромадалари ошириш

натижасида уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашда, шунингдек фонд бозорининг молиявий рискларини ҳимоялашда йўл ҳариталарини ишлаб чиқишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади деган умиддамиз.

Шунингдек, барча суғурта компаниялари инвестор сифатида ҳам иштирок этадилар. Ривожланган мамлакатлар молия бозорида суғурта компанияларининг маблағлари асосан қимматли қоғозлар бозорига жойлаштирилади. Республикамизда молия бозори шаклланиш даврида эканлигини ҳисобга олсак, Ўзбекистонда ҳам яқин келажакда ушбу бозорда суғурта компанияларининг фаоллашишини кўтишимиз мумкин.

Битирув малакавий иши таркибининг қисқача тавсифи. Битирув малакаий иши таркибий жиҳатдан кириш, учта боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Битирув малакавий ишининг ҳажми 62 саҳифадан иборат бўлиб, унда 7 та жадвал ва 9 та расм мавжуд.

I БОБ. СУҒУРТА КОМПАНИЯЛАРИНИНГ ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Суғурта компаниялари молиявий имкониятларининг шаклланиш манбалари

Суғурта ташкилотлари бошқа молиявий институтлар, хусусан, банклар, инвестиция компаниялари, лизинг ташкилотлари билан бир қаторда молиявий тизимнинг асосий буғинларидан бири ҳисобланади. Барча молия институтларининг умумий хусусияти шундаки, уларнинг ҳар бири махсус пул жамғармаларининг шаклланиши ва уларни бошқариш билан шуғулланади. Бироқ, фаолият йўналишлари бўйича молия институтлари бир-биридан фарқ қилади.

Суғурта ташкилотларида молиявий ресурсларнинг шаклланиши қуйидаги ҳолатлар билан боғланган:

✓ Суғурта тадбиркорлик фаолиятининг муҳим шакли сифатида суғурта муносабатлари иштирокчиларининг рискларини молиялаштиришга ихтисослашган;

✓ Суғурта ҳимоясини тақдим этиш мақсадида ўзига хос хусусиятга эга бўлган махсус пул жамғармалари шаклланади, унинг асосида рисклар трансфери ётади;

✓ Суғурта ташкилотининг молиявий ҳолати техник суғурта рисклари ва инвестиция рискининг таъсирига берилувчи кўплаб омилларга боғлиқ.

Суғурта компаниясининг молиявий ресурсларини шаклланиши ва улардан фойдаланиш жараёни немис олими Г.Лукарш томонидан тадқиқ этилган. Қуйида суғурта ташкилоти молиявий ресурсларининг шаклланиши жараёни келтирилган (1-расмга қаранг).

Суғурта ташкилотини таъсис этиш жараёнида ўз маблағлари шаклланишининг асосий ва ягона молиявий манбаси устав капитал ҳисобланади.

Суғурталовчи ваколатли давлат органи томонидан ўрнатилган тартибда маълум миқдордаги ўз маблағларига эга бўлиши лозим. Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонуни 12-моддасида суғурталовчиларнинг устав фондига муайян талаблар белгиланган. Бунга қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш мумкин: “Суғурталовчилар устав фондининг энг кам миқдори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Суғурталовчи устав фондининг камида 90 фоизи муассисларнинг (иштирокчиларнинг) пул маблағларидан шакллантирилади. Суғурталовчининг устав фондини шакллантириш учун кредитга, гаровга олинган маблағлардан ва бошқа жалб қилинган маблағлардан фойдаланишга йўл қўйилмайди. Суғурталовчининг устав фонди лицензия олинадиган пайтга қадар суғурталовчининг муассислари томонидан тўланган бўлиши керак”.



1-расм. Суғурта ташкилоти молиявий ресурсларининг шаклланиши[2]

[2] Лукарш Г. Теория и практика страхования: учебник. – М.:«Анкил», 2009. – С. 180 – 185

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, суғурталовчи молиявий ресурсларининг катта қисми жалб этилган маблағлар ҳисобидан шаклланади. Суғурталовчи томонидан суғурта хизматларини кўрсатиш эвазига суғурталанувчи тўлайдиган суғурта мукофотларининг салмоқли қисми суғурта захираларида сақланади. Ўз навбатида захирадаги пул маблағлари суғурта ҳодисаси содир бўлиши оқибатида етказилган зарарларни қоплаш учун ишлатилади. Шунингдек, келиб тушган суғурта мукофотларининг муайян қисми суғурталовчининг иш юритиш харажатларини молиялаштиришга сарфланади.

Суғуртага йирик рискларни қабул қилиш, баъзан, суғурталовчиларнинг ўз зиммасига олган мажбуриятларини ўз вақтида бажара олмаслик ҳолатини юзага келтиради. Шу сабабли, суғурта компаниялари тўлов қобилиятини меъёрида сақлаш учун қайта суғурта механизмидан фойдаланади. Қайта суғурта суғурталовчи томонидан қабул қилиб олинган рискнинг маълум бир қисмини тегишли қайта суғурталаш шартномаларига асосан ихтисослашган қайта суғурта компаниясига ёки чиқувчи қайта суғурта операцияларини амалга ошириш ҳуқуқига эга суғурта компанияларига узатади.

Суғурталовчининг молиявий ресурслари шаклланишининг муҳим манбаларидан бири бу суғурта компанияси томонидан инвестиция фаолиятини амалга ошириш ҳисобланади. Суғурта компанияларига инвестиция фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи қонун асосида белгиланган. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонуни 6^1-моддасида суғурталовчиларнинг махсус ваколатли давлат органи белгилайдиган тартибда ва шартларда инвестиция фаолиятини амалга ошириш мумкинлиги қайд этилган.

Суғурталовчининг инвестиция фаолиятидан олган даромадлари унинг молиявий барқарор фаолият кўрсатишининг асоси ва иқтисодиётнинг пул маблағларига бўлган эҳтиёжини қаноатлантирувчи асосий омиллардан биридир. Суғурталовчининг молиявий ресурслари суғурта шартномаси тузилган пайтдан бошлаб то суғурта қопламаларини тўлаш билан боғлиқ ўз

мажбуриятларини бажаришни, шунингдек, инвестиция фаолиятини амалга ошириш, иш юритиш харажатларини молиялаштиришни амалга ошириш учун зарур бўладиган пул даромадлари ва тушумларини ўзида акс эттиради. Суғурта ташкилоти молиявий ресурсларининг ҳажми ва тузилиши суғуртага қабул қилинган рискларнинг ҳажми ва тузилишига мос келиши лозим. Суғурталовчи молиявий ресурсларининг таркиби қуйидаги расмда келтирилган (2-расмга қаранг).



2-расм. Суғурта ташкилоти молиявий ресурсларининг тузилиши[3]

Суғурталовчининг пул маблағлари айланмасида иштирок этадиган барча пул маблағлари ўз ва жалб этилган маблағларга бўлинади. Ўз маблағлари таркибига устав фонди, қўшимча ва резерв капитал ҳамда тақсимланмаган фойда, мақсадли тушумлар ва махсус мақсадга мўлжалланган пул жамғармалари киради.

Суғурта ташкилотининг устав капитали таъсис шартномасига мувофиқ унинг муассислари томонидан шакллантирилади. Ўзбекистон

[3] Страхование: под редакцией Т.А.Федоровой /Учебник /-3. – издание. М: “Мр” 2010г. – С. 485 – 489.

Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатларига кўра суғурталовчи устав капиталига ўрнатилган талаб фаолият йўналишларига қараб бир-биридан фарқ қилади. Масалан, умумий суғурта фаолиятини амалга оширувчи суғурталовчилар ва ҳаёт суғуртасини амалга оширувчи суғурталовчилар учун белгиланган устав фондининг энг кам миқдори бир-биридан фарқ қилади. Бундан ташқари, мажбурий суғурта турларини амалга ошириш учун ҳам суғурта ташкилотида қонунчилик ҳужжатларида белгиланган миқдорда устав фонди шаклланган бўлиши керак.

1- жадвал

Ўзбекистон суғурта ташкилотлари учун белгиланган устав капиталлари минимал миқдорларининг йиллар бўйича ўзгариши[4]

Суғурта тармоқлари/ йиллар	**2008**	**2009**	**2010**	**2011**	**2012**	**2013**	**2014**	**2018**
Ҳаёт суғуртаси	750	750	1000	1000	1500	1500	2000	10,0
Умумий суғурта	500	500	750	750	1125	1125	1500	7,5
Қайта суғурта (фаолият мазмуни фақат қайта суғурта бўлса)	3000	3000	4000	4000	5000	5000	6000	30,0
Мажбурий суғурта	1000	1000	1500	1500	2250	2250	3000	15,0
	Минг АҚШ долларида		**Минг ЕВРО ҳисобида**					**Млрд. сўм**

Жумладан, унда Республика иқтисодиётида устав ва суғурта маблағлари қисмини инвестицияга йўналтириш қонунчилик билан белгиланиши кўрсатиб ўтилган ҳамда қуйидаги асосий талабларга жавоб бериши лозим (3-расм).

[4] Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари асосида муаллиф томонидан умумлаштирилди.



3-расм. Суғурта компаниялари томонидан маблағларни инцестиция қилиш талаблари[5]

Инвестиция фаолиятининг диверсификацияси биринчи навбатда суғурта компанияси инвестиция портфелининг барқарорлигини кўзда тутади. Маълумки, суғурта компаниялари уларга ўз маблағларини қўшиши мумкин бўлган инвестиция лойиҳалар тўплами сармоя бозорининг ривожланиш даражасига боғлиқ. Ҳозирги пайтда суғурталовчиларнинг вақтинчалик бўш турган маблағлари тижорат банклари депозитларига, қимматли қоғозларга жойлаштирилиши, корхона ва кўчмас мулкларга инвестиция қилиниши мумкин. Инвестицион портфел таркиби ва тизимини тартибга солиш одатда киритилган маблағларнинг турлари бўйича минимум ва максимумни белгилаш йўллари орқали амалга оширилади.

1.2. Суғурта компаниялари инвестицион фаолият борасидаги назарий адабиётлар шарҳи

Молиявий пул оқимларини тўплаш ва уларни иқтисодиётни ривожлантиришга йўналтириш қобилияти суғурта компанияларини кучли институционал инвесторга айлантиради.

Ривожланган мамлакатларда суғурта компаниялари активларини жойлаштириш стандартлари, суғурта резервларини максимал ва минимал квоталари, суғурта резервларининг қамраб олувчи активлар рўйхати ишлаб

[5] Қонунчилик хужжатлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

чиқилган. Ишлаб чиқилган меъёрлар иқтисодиётнинг ривожланиш даражаси, молия бозорларининг аҳволи, миллий анъаналарга қараб тартибга солинади. Суғурта компанияларининг инвестиция йўналишлари ҳаёт суғурта соҳаси бўйича алоҳида ва бошқа умумий суғурта тармоғи бўйича алоҳида белгиланади.

Европа Иттифоқи, Буюк Британия ва АҚШда суғурта бозорини тартибга солиш жавобгарлиги маълум маънода давлат, маҳаллий ва ҳудудий ҳокимият органлари ўртасида тақсимланган. АҚШнинг ҳар бир штатида суғурта соҳасини мустақил назорат қилувчи органлари мавжуд. Европа Иттифоқи мамлакатлари ўзларининг алоҳида назорат органларига эга, аммо уларнинг ҳар бирлари учун умумий бўлган директиваларга амал қилади.

Суғурта компанияларининг инвестицион сиёсатини шакллантиришда хориж тажрибасининг хусусиятлари қўйидаги 1-жадвалда келтирилган.

Хорижий мамлакатларда инвестиция сиёсатини давлат томонидан тартибга солишда иккита ёндашув (мактаби) мавжуд бўлиб, бу ёндашувлар орқали давлатнинг инвестиция фаолиятдаги роли ва тариф ставкаларини белгилашдаги иштирокида (таъсирида) намоён бўлади.

Биринчи ёндашув бу америкалик мактабдир, яъни бунда асосий фаолият зарарли бўлиши мумкин, аммо бундай йўқотишлар инвестиция фаолиятидан олинган даромадлар ҳисобига қопланиши мумкин.

Иккинчиси Европалик мактаб ёндашуви, бунда инвестицион фаолиятдан ташқари асосий соф суғурта фаолияти даромадли бўлиши мажбурийдир.

2-жадвал

Хорижий мамлакатларда суғурта компанияларининг инвестиция фаолиятларини давлат томонидан назорат қилиш хусусиятлари[6]

Давлатлар	Суғурта компанияларининг инвестицион сиёсатини шаклланиш хусусиятлари

[6] Second annual business risk report - insurance / Oxford Analytical / Ernst& Young. 2014. P. 4. (мурожат санаси 2019 йил 12 март)

АҚШ	1. даромадларининг маълум бир қисми штат ҳудудида инвестиция қилинади. 2. Инвестиция қилиш шартлар белгиланган тартибда ўрнатилади. 3. Ўртача активлар таркиби белгиланади. 4. Суғурта компаниялари санаот соҳалари корхоналарига 15-20 йил муддатга инвестиция кредитларни тақдим этади.
Буюк Британия	1. Молиявий ресурсларни жойлаштириш қоидалари белгиланади. 2. Ҳаёт суғуртаси активларнинг ўртача таркиби белгиланади. 3. Давлатнинг инвестиция сиёсати дастури мавжуд. 4. Доимий равишда инвестиция портфели қиймати мониторинги олиб борилади.
Германия	1. Суғурта компаниялари резервларини жойлаштириш бўйича қонун амал қилади. 2. Инвестиция қилиш тамойиллари амал қилади (хавфсизлилик, даромадлилик, ликвидлилик, диверсивикация ва бошқалар). 3. Жойлаштириш шакллари ва улар бўйича чекловлар ўрнатилади. 4. Активлар ишончли бошқарувга ўтказилади.

Бутун дунёда бўлгани каби бизнинг республикамизда ҳам суғурта соҳалари иккита тармоқга ажралган ҳолда олиб борилади. Икки тармоқга бўлинишининг асосий сабаби, ундаги суғурта ҳодисалари юзага келишининг бир-биридан тубдан фарқ қилишидир. Бу фарқлардан келиб чиққан ҳолда суғурта компаниялари ўзига тегишли тамойиллар асосида инвестицион сиёсатини олиб боради (3-жадвал).

3-жадвал

Ҳаёт ва умумий суғурта компанияларининг инвестиция фаолияти тамойилларининг солиштирма таҳлили[7]

Инвестициялашнинг хусусиятлари	Ҳаёт суғуртаси тармоғи учун	Умумий суғурта тармоғи учун
1. Муддати	Узоқ муддатли инвестицион лойиҳалар	Қисқа муддатли инвестиция
2. Фойдалилиги	Суғурта тарифи ва суммасини ҳисоблашда назарда тутилган ўзгармас фойда олишнинг зарурлиги	Фойда қўйилманинг ликвидлиги шартларига узвий боғлиқ

[7] Муаллиф томонидан назарий адабиётлар маълумотлари асосида тайёрланган.

3. Ликвидлиги	Инвестициялаш Муддати математик ва статистик ҳисоб-китоблардан келиб чиққан суғурта қопламалари тўлаш муддати билан боғликдир	Инвестициялашдаги муҳим тамойиллардан ҳисобланади, чунки суғурта қопламаси тўлаш тасодифий кўриниш олади
4. Инфляция билан боғлик жараёнларни ҳисобга олиш	Инфляцияни албатта ҳисобга олиш зарур, чунки шартномалар узоқ муддатга тузилади	Суғуртанинг кўпгина турларида инфляцияни ҳисобга олмаса ҳам булади
5. Инвестиция ҳажми	Сезиларли, капитализация ҳисобига доимий равишда ўсиб борувчи инвестиция	Инвестиция ҳажми вақти-вақти билан суғурта қопламалари ҳажмидан келиб чиқиб ўзгариб туради.

Суғурта портфелининг амалиётда кузатилишича узоқ муддатли инвестиция, ўрта ва қисқа муддатли инвестицияга нисбатан кўпроқ фойда келтиради. Узоқ муддатли инвестицияга кўчмас мулк савдоси кабилар, ўрта ва қисқа муддатли инвестицияларга акция, қимматбаҳо қоғозлар, банк депозитлари ҳамда компания ҳисоб рақамидаги вақтинча бўш маблағлар киради. Бироқ, шуни ҳисобга олиш лозимки, узоқ муддатли инвестициялар кўп даромад келтирса, ўрта ва қисқа муддатли инвестицияларни тўлов мажбуриятини бажариш зарурияти пайдо бўлганида ликвидли ҳисобланади.

Жаҳон суғурта бзорининг ривожланиш тенденциялари ва омилларини ўрганиб чиққан ҳолда шундай хулоса қилиш мумкинки, келажакда иқтисодиётда рецессия давом этаётганига қарамасдан суғурта ва инвестиция секторларида ўсиш кутилмокда.

Бизга маълумки, қимматли қоғозлар бозорининг, шу жумладан, акциялар бозорининг вазифаси, аҳоли, давлат ҳамда институционал инвесторларнинг бўш турган маблағларини ҳаракатга келтириб, миллий иқтисодиётнинг турли соҳаларига йўналтириш, улардан энг муҳим молиялаштириш манбаси сифатида фойдаланган ҳолда иқтисодиётни барқарорлаштиришга, пул муомаласини яхшилашга ҳамда аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг даромадини оширишга таъсир этишдан иборат. Бу борада молия бозори, жумладан қимматли қоғозлар бозори фаоллигига

таъсир кўрсатувчи институционал инвестор сифатида фаолият юритувчи суғурта компанияларининг аҳамияти муҳим саналади.

Молия тизимида суғурта компаниялари молиявий воситачилар сифатида ҳам фаолият юритиши мумкин. Шу сабабли, суғурта компаниялари молия бозорида молиявий ресурслар аккумулятори ва мос равишда йирик инвестициялар манбаи – инвестор сифатида ҳам намоён бўлиб, тижорат банклари ва инвестиция фондлари каби институционал инвестор бўлиб ҳам молия бозорида самарали фаолият юритиш учун кенг имкониятларга эга ҳисобланади.

Г.П.Турсунов ўз илмий мақоласида бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш жараёнида иқтисодиётни ривожлантиришнинг кучли молиявий воситаларидан бири сифатида давлат қимматли қоғозлар бозорини модернизациялаш ва замонавий технологияларни жорий этиш орқали инвесторларнинг суғурта бозорида фаол фаолият олиб боришлари учун шарт-шароитлар яратиб келмоқда дейди. Шу билан бир қаторда суғурта бозорининг ривожланиши мамлакат суғурта тизимининг ривожланишининг муҳим ташкил этувчиси ҳисобланади[8].

Ривожланган мамлакатлар тажрибаларини ўрганган ҳолда Ўзбекистонда ҳам суғурта фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган тадбирлар суғурта бозорини жадал ривожлантириш учун зарур шароитларни яратмоқда. Мамлакатимизда суғурта компаниялар фаолиятини халқаро талабларга жавоб бера оладиган ва рақобатбардош соҳага айланишини таъминлашда давлат бош ислоҳотчи вазифасини амалга ошириб келмоқда. Суғурта фаолиятига оид қатор меъёрий-ҳужжатларининг қабул қилиниши мамлакатимизда суғурта хизматлари сифатини ошириш ва аҳоли ўртасида суғурта хизматларига нисбатан ишончнинг ошишига хизмат қилмоқда.

[8] Турсунов Г.П., (2015) Роль страховых компании в деятельности РФБ «Тошкент» / biznes-экперт Номер: №2(86)

Республиканинг суғурта хизматлар бозорини ва фонд биржаси фаолиятини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Респабликаси Президентининг 2008 йил 21 майдаги “Суғурта хизматлар бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-872-сонли қарори қабул қилинди. Мазкур қарорнинг 2-бандига мувофиқ суғурта компаниялари инвестиция воситачилари сифатида қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолият олиб боришлари мумкин бўлди. Шунингдек бундай фаолиятни олиб бориш учун лецензия талаб қилинмаслиги белгилаб қўйилди.

Г.Ходжаева илмий мақоласида суғурта компанияларининг молиявий хизматлар соҳасидаги роли ҳақида қўйдагиларни таъкидлайди, суғурта компаниялари молиявий хизматлар соҳасини ривожлантиришда муҳим рол ўйнайди, бундан ташқари суғурта бозорида мажбурий ва ихтиёрий суғурта ҳамжлари ҳам барқарор равишда кўпайиб бормоқда. Ўсиб бораётган суғурта бозори суғурта компанияларининг самарадорлигини оширишда, янги суғурта механизмларини жорий қилиш учун қўшимча инвестицияларни жалб қилишни талаб қилиб қўймоқда.[9]

Суғурта соҳаси мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш учун жуда муҳимдир, сабаби суғурта компаниялари фонд бозорларида институтционал инвестор бўлиб хизмат қилади, ундан ташқари йирик молиявий ресурсларни тўплайди ва қўшимча фаолиятидан даромад олиш самарадорлигини таъминлайди.

Шу муносабат билан акциядорлик жамиятлари шаклидаги суғурта компаниялари фаолияти учун шарт-шароитлар яратиш, компанияларнинг акцияларини қимматли қоғозлар бозорида сотилишини таъминлаш суғуртани ривожланишига ва фонд бозорини фаоллаштиришга қўшимча туртки бўлади.

Инвесторлар сифатида фаолият юритаётган суғурта компаниялари аҳоли ва юридик шахсларнинг маблағларини фонд бозорига жалб қилувчи

[9] Ходжаева Г. (2015) Роль страховых компаний на фондовом рын-ке. / biznes-экперт номер №5 (88)

воситачиси бўлиб уларнинг ва ўзининг даромадларини оширишда барқарор манбалардан бири бўлиб қолмоқда.

А.М.Годин илмий тадқиқот ишида суғурта бозорининг молия тизимидаги ўрни биқиёсдир, сабаби турли хил молия институтларига суғурта ҳимоясини тақдим этиш билан бир қаторда ўзининг инвестицион фаолияти ва салоҳияти орқали молия бозорининг асосий ўйинчиларига айланиб боради деган фикрларни илгари суради[10].

А.А.Романова илмий мақоласида суғурта бозорига қўйидагича таъриф беради, яъни суғурта бозори – бу мамлакат молия бозорининг ажралмас қисми ҳисобланади ва бир уйғунликда ривожланиб боради. Суғурта бозорининг ривожланиши ишлаб чиқариш жараёнининг жадал ривожланиши билан ўзаро боғлиқ. Суғурта бозори инструментларининг кўпайиши ва ўсиши – бу ишлаб чиқариш ва молия соҳасида глобаллашув ва интеграция жараёнларининг ажралмас қисмидир, шу сабабли молия бозорларининг ўзаро уйғунликда ривожланиши талаб этилади.[11]

Л.К.Улыбина илмий мақоласида суғурта бозорини либераллаштириш борасида қўйдагиларни баён этади, суғурта бозорини ўрта муддатли истиқболда либераллаштиришнинг асосий шарти шундаки ички инвестиция ресурсларини ташкил этадиган ҳаётни узоқ муддатли суғурталаш воситаларини (суғурта турларини) ишлаб чиқишдан иборат. Суғурта бозорининг халқаро интеграциялашуви ва молиявий глобаллашуви шароитида миллий бозорлардан пул оқимларининг чиқиб кетишага қарши ва ички бозорга интеграция жараёнларини (механизмларини) ишлаб чиқиш зарур.

Халқаро савдо ва молия ташкилотлари билан интеграциялашув жараёнларида асосий тамойил – бу молиявий бозор ривожланишининг

---

[10] Годин А.М., Фрумина С.В. (2009) Страхование: Учебник. - М.: Издательско-торговая корпорация «Дашков и К», - с. 36.

[11] Романова А. А, Улыбина Л. К. (2017) Состояние и перспективы развития мирового страхового рынка. Региональная экономика и управление: электронный научный журнал // Номер журнала: №4 (52).

устувор йўналишларини ҳисобга олган ҳолда суғурта бозорини эркин либераллаштириб бориш.[12]

А.А.Казакова илмий тадқиқот ишида миллий молия бозорларида жисмоний шахсларнинг пул маблағларини инвестиция ва суғурта бозорларига жалб қилиш муаммоси ҳақида фикрларни айтиб ўтади. Суғурта ва фонд бозорларининг интеграциялашуви натижасида инвестицион суғурта маҳсулотларининг ривожланиши юз беради. Умумий бозорнинг бундай маҳсулотлар сегментининг ривожланиши бу молия бозорининг ривожланишига сабаб бўлади, сабаби фонд бозорига аҳолиининг омонатлари жалб қилинади ва узоқ муддатли ҳаёт суғурта турларининг ривожланиши билан характерланади. Бундай ривожланиш умумий нисбатда миллий қимматли қоғозлар бозорининг ривожланишига олиб келади.[13]

Sangyong Hana ўз илмий ишларида АҚШларда суғурта захираларини жойлаштириш амалиёти таҳлил қилинган, жумладан: Америка қўшма штатларида суғурта захираларини жойлаштиришда консерватив ёндашув муҳим аҳамият касб этади. Сабаби инвестиция қилинаётган суғурта резервлари шаффофлик тамойилларига амал қилиш лозим. Акс ҳолда назорат органлари ушбу инвестицияларни акциядорлар ва суғурталанувчилар учун зарарли деб баҳолайди. Ушбуларни ҳисобга олган ҳолда суғурта компанияларининг инвестицион фаолиятлари қатий тартибга солинади.[14]

Chrysovalantis Gaganisa ўз илмий изланишларида молиявий-иқтисодий инқироздан кейин суғурта бозорининг ҳолати бўйича таҳлиллар олиб борган, яъни молия бозоридаги бўлиб ўтган инқироздан кейин суғуртага бўлган талаб юқори ўсиш тенденцияларини намоён қилмоқда. Бу ўз навбатида суғурта компанияларининг инвестицион портфелларининг рисклилик даражасини белгилаб беради. Бунда суғурта компаниялари томонидан тўғри ташкил этилган инвестицион сиёсат муҳим роль ўйнайди. Шунингдек охирги

---

[12] Улыбина Л.К., (2014) “Глобализации” issue 3 (127), pages 69-77.

[13] Казакова А.А. (2013) Перспективы развития инвестиционно-страховых продуктов в России. Специальность – 08.00.10 – Финансы, денежное обращение и кредит. АВТОРЕФЕРАТ Диссертации на соиска-ние ученой степени кандидата экономических наук. – 28 стр.

[14] Sangyong Hana, Gene C. Lai b, Chia-Ling Hoc. Corporate transparency and reserve management: Evidence from US property-liability insurance companies. Journal of Banking and Finance (2018) №96. p 379–392

йиллар кўплаб ривожланган мамлакатларда суғурта компанияларининг резервларни жойлатириш борасидаги сиёсати давлат томонидан қўллаб-қувватланмоқда ва янги инвестиция объектларини яратиб бермоқда.[15]

Смирнова илмий ишларида суғуртага қўйидагича тариф беради, яъни суғурталаш – хўжалик юритувчи субъектлар ва фуқароларни хавфли тасодифий ҳодисалардан ҳимоя қилишда энг самарали механизм ҳисобланади. Суғурта бозорининг ривожланиш стратегияси ва вектори жамият ва ҳукумат томонидан доими диққат марказида турадиган долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Шу билан бирга, суғуртанинг мажбурий турларини жорий этиш қатор мамлакатдларда орқада қолмоқда. Шу ўриндаа суғурта компаниялари фаолияти ҳам ўзига яраша хавфлар билан боғлиқдир. Бунда уларга қайта суғурта компаниялари ёрдам қўлини чузиб келишмоқда.[16]

1.3. Суғурта компанияларининг инвестицион фаолият олиб бориш сиёсатининг моҳияти

Суғурта компаниялари инвестицион сиёсатини Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2009 йил 16 июлда 1982-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2009 йил 3 июлдаги 68-сон буйруғи билан тасдиқланган “Суғурталовчи ва қайта суғурталовчининг инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Низомига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2008 йил 12 майда 1806-сон билан рўйхатга олинган “Суғурталовчилар ва қайта суғурталовчиларнинг тўлов қобилияти тўғрисида”ги ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2008 йил 12 майда 1806-сон билан рўйхатга олинган “Суғурталовчиларнинг суғурта заҳиралари тўғрисида”ги низомларига асосан ишлаб чиқишади.

Инвестиция сиёсати компаниянинг инвестиция портфелини

---

[15] Chrysovalantis Gaganisa, Iftekhar Hasanb, Panagiota Papadimitrie, Menelaos Tasioue. National culture and risk-taking: Evidence from the insurance industry. Journal of Business Research (2019) №97, p 104–116

[16] Смирнова Н.В. (2013) Механизм формирования страховых резервов как средство повышения эффективности функционирования стра-хового рынка. “Российское предпринимательство” № 15 (237).

бошқаришга ҳамда тўғридан-тўғри инвестицияларни амалга оширишда қўлланиладиган стратегияни ишлаб чиқишга йўналтирилган бўлиб, унинг асосий мақсади компаниянинг инвестиция фаолиятини ва амалга оширилаётган суғурта фаолиятини даромадлилигини таъминлаш ҳамда активларнинг ликвидлик даражасини сақлаб туришдан иборат. Инвестиция сиёсати компаниянинг ўсиб бораётган молиявий эҳтиёжларини қондириш мақсадида сармояларнинг инвестиция йўналишларини белгилаб беради.

Инвестицияларни амалга оширишнинг мақсади – сармояларни инвестиция қилиш жараёнидаги хавфларни инобатга олган ҳолда компаниянинг жорий пул сармоялари ҳисобига фойда олишга бўлган эхтиёжларини келгусида қондиришдан иборатдир.

Инвестицион сиёсат компаниянинг инвестиция портфелини бошқариш ва амалга ошираётган инвестицияларининг мақсади ҳамда вазифасига аниқлик киритади, инвестицияларни амалга оширишга тўғри келадиган молиявий инструментлар доирасини белгилайди ва шу орқали инвестиция портфели таркибини такомиллаштиради.

Компания инвестиция фаолиятида ахборотларнинг шаффофлиги ва конфиденциаллигини қонунчиликка мувофиқ амалга оширади.

Сармояларни қимматли қоғозларга жойлаштириш компанияга ўз активларини диверсификация қилиш ҳамда шу орқали хавф-хатарлар даражасини камайтириш, компаниянинг потенциал даромадларини ошириш имкониятларини беради.

Инвестиция фаолиятини амалга оширишда улар билан боғлиқ хавф-хатарларни имкон қадар пасайтириш мақсадида компания ташкилот ва корхона фаолияти мониторингини олиб бориш учун етарли тажрибага эга бўлиши керак.

Молиявий барқарорликни таъминлаш мақсадида компания ўз активларини қайтарилиш, ликвидлилик, диверсификация ва фойдалилик принциплари асосида жойлаштиришни кўзлайди.

Компания инвестиция фаолиятини ташкил қилиш ва олиб бориши

жараёнида тўлов қобилиятига салбий таъсир этиши мумкин бўлган таваккалчиликларни бошқариш тизимини ташкил қилади ва уни доимий равишда назоратда олиб боради, бунда қуйидаги турли таваккалчиликлар ва рискларни таҳлил қилиш ва бошқариш тизими ташкил қилинади:

– инвестиция объектларининг хар бирини, жумладан, бирламчи навбатда компания билан боғлиқ бўлмаган инвестиция объеклари бўлган корхона ва ташкилотлар, кредит уюшмаларининг иқтисодий, молиявий фаолиятини ўрганиб таҳлил қилинган ҳолда инвестиция йўналтириш ёки йўналтирмаслик ҳақида қарорлар қабул қилиш;

– инвестиция йўналтирилган корхоналар, ташкилотларнинг молиявий ҳолатини ҳар чоракда тегишли давлат идораларида тасдиқланган ҳисоботларини олиб таҳлил қилиб бориш ва ушбу корхона, ташкилотлар молиявий ҳолатини ёмонлашганлиги кузатилган ҳолатларда йўналтирилган инвестиция маблағларини қайтариш чораларини кўриш;

– инвестиция қўйилмаларининг даромадлилигини ва шу оқибатда компания тўлов қобилиятига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган бошқа ҳолатларга йўл қўймаслик, бунда асоссиз равишда фоиз устамаларини пастга туширилишига, қайтариш саналарини ўзгартиш ёки фоиз тўловларини кечириб юбориш ҳолатларига йўл қўймаслик;

– корхона ва ташкилотларга кафолатчи бўлиб қатнашиш жараёнида компания тўлов қобилиятини етарлича таҳлил қилиш билан бир вақтда кафолат берилаётган корхона ва ташкилотларнинг ҳам иқтисодий, молиявий имкониятларини ўрганиш, таҳлил қилиш ва компания кузатув кенгашининг қарори бўлгани, ҳамда компания молиявий имкониятлари ва тўлов қобилиятига салбий таъсир қилмайдиган ҳолатлардагина кафолатчи бўлиш ҳақида қарор қабул қилиш.

Компания Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2009 йил 16 июлда 1982-сон билан рўйхатга олинган “Суғурталовчи ва қайта суғурталовчининг инвестиция фаолияти тўғрисида” ги Низомнинг II-бўлимидан кўрсатилган инвестиция объектларига сармоялар киритади.

Шунингдек, инвестицияларни қонун ҳужжатларига зид бўлмаган инвестиция фаолиятининг бошқа объектларига ҳам амалга ошириши мумкин. Компания инвестицияларини барпо этилиши ва фойдаланилиши қонун ҳужжатларида белгиланган санитария-гигиена, радиация, экология, архитектурашаҳарсозликка оид ва бошқа талабларга жавоб бермайдиган, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган объектларга инвестиция киритиш таъқиқланади.

Инвестиция фаолиятида маълум бир объектларга инвестиция қилишнинг чекловлари ва таъқиқлари мавжуд ва улар қўйидагилардан иборат:

- Компаниянинг бошқа юридик шахсларнинг устав капиталларига жойлаштирган активларининг умумий суммаси, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, компания ўз маблағлари манбалари суммасининг 50 фоизи миқдори билан чегараланади, олдинги молиявий йил якуни бўйича халқаро аудитнинг ижобий хулосасини олган тижорат банкларининг устав капиталларида иштирок этиш бундан мустасно.
- Компаниянинг ҳар қандай битта юридик шахснинг устав капиталида иштирок этиш улуши мазкур юридик шахснинг устав капиталининг 30 фоизидан ошмаслиги шарт (агар қонун ҳужжатларида бошқа қоида назарда тутилмаган бўлса), суғурта фаолияти, шунингдек суғурта фаолиятини таъминлашга йўналтирилган фаолиятни амалга оширадиган шўъба корхоналар бундан мустасно.
- Компаниянинг активлари кўчмас мулк объектларига жойлаштирилганда, унинг активларининг 50 фоизидан ортиғини битта ер участкаси ёки кўчмас мулкнинг бошқа объектига ёхуд битта объект сифатида кўрилиши мумкин бўлган ер участкалари ва кўчмас мулк объектлари мажмуига жойлаштиришга йўл қўйилмайди.

- Компаниянинг активларини банк омонатларига (депозитларига) жойлаштиришда, битта тижорат банкига жойлаштирилган омонат унинг активларининг 40 фоизидан ошмаслиги шарт.
- Компаниянинг активларини кредит ташкилотларида (тижорат банкларидан ташқари) омонатларга (депозитларга) жойлаштиришда, омонатларнинг (депозитларнинг) умумий суммаси компания активларининг 10 фоизидан ошмаслиги шарт.
- Компания активларини битта юридик шахснинг устав капиталига жойлаштириш ёки битта юридик шахсда иштирок этиш бўйича бошқа ҳуқуқлари, агар қонун ҳужжатларида бошқа қоида назарда тутилмаган бўлса, компания активларининг 30 фоизидан ошмаслиги шарт.
- Компания ўз ходимларига қарзлар беришга ҳақли. Бунда берилган қарзларнинг умумий суммаси компаниянинг устав капиталининг 10 фоизидан ошмаслиги шарт.
- Компания томонидан барча боғлиқ шахсларда жойлаштирилган активларнинг умумий суммаси устав капиталининг 100 фоизидан ошмаслиги шарт.
- Компания томонидан битта боғлиқ шахсда жойлаштирилган активларнинг умумий суммаси, компания устав капиталининг 15 фоизидан ошмаслиги шарт, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Компания актив(сармоя)ларини қуйидаги йўллар билан жойлаштириш таъқиқланади:

– интеллектуал мулкка қўйилмалар (дастурий таъминот, маълумотлар базаси, адабиёт, фирма номлари ва товар белгиларини харид қилиш бундан мустасно);

– мазкур инвестиция сиёсатда назарда тутилган ҳоллардан ташқари, жисмоний ва юридик шахслар билан қарз шартномасини тузиш (молиявий ёрдам бериш).

Компания томонидан боғлиқ шахсларга имтиёзли шартларни тақдим

этиш таъқиқланади. Имтиёзли шартларни тақдим этиш қуйидагиларни англатади:

- моҳияти, мақсади, ўзига хос хусусиятлари ва таваккалчилигига кўра, суғурталовчи (қайта суғурталовчи) бошқа шахслар билан, агар улар билан алоҳида муносабатлар бўлмаган тақдирда, тузмайдиган битимни тузиши;

- суғурталовчи (қайта суғурталовчи) фойдасига бошқа мижозлардан талаб қилинадиган суммалардан кам бўлган фоизларни, бадалларни ундириш, инвестицияларнинг таъминоти сифатида гаровга қабул қилиш, шунингдек, бошқа тўловларни қабул қилиш;

- етарли асосларсиз инвестиция маблағларининг қайтарилишини кечиктириш.

Компания активларни боғлиқ шахсларда фақат компания кузатув Кенгаши рухсати билан инвестиция қилинаётган маблағларнинг ликвидлиги, фойдалилиги ва қайтарилишини, шунингдек мазкур инвестиция сиёсати талабларини ҳисобга олган ҳолда тайёрланган техник-иқтисодий асосланиш (бизнес-режа) асосида жойлаштиради. Компаниянинг инвестиция фаолиятини назорати компания ички аудити хизмати зиммасига юклатилади. Ички аудит хизмати инвестиция фаолиятини таҳлил қилади ва бу ҳақдаги хулосани йил якунида кузатув кенгашига тақдим қилади.

II БОБ. ЎЗБЕКИСТОН СУҒУРТА БОЗОРИНИНГ ИНВЕСТИЦИОН ҲОЛАТИ ВА ТАҲЛИЛИ

2.1. Суғурта хизматлар бозори салоҳиятининг таҳлили

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг маълумотларига кўра, 2018 йилда мамлакатда учта янги суғурта компанияси ўз фаолиятларини бошлаган. Натижада миллий суғурта бозорида суғурта компаниялари сони 30 тага етди. Бу давр бозорга кирган учта суғурта компаниянинг иккитаси ҳаётни суғурталаш соҳасида (“Euroasia Life” ва “Kafolat Hayot” MChJ) ихтисослашган ва бир суғурта компанияси (“Apex Insurance” MChJ) умумий суғурта соҳасида фаолият юритиб келмоқда. Шундай қилиб 2018 йил

охиригача умумий суғурта соҳасида 24 компания ва ҳаётни суғурта қилиш соҳасида 6 компания фаолият юритиб келмоқда.

Шундай қилиб кўриб чиқилаётган давр мобайнида мамлакат суғурта компаниялари томонидан йиғилган суғурта мукофотларининг умумий миқдори жадал ўсиб, 1,6 трлн.сўмни ташкил қилди ва бу ўтган йилга нисбатан 76,3% га кўпдир. 2018 йилда инфляция даражасини ҳисобга оладиган бўлсак, мукофотларнинг реал ўсиш сураъти 62,0%да баҳоланди. Бу рақам 2018 йилда мамлакат ЯИМнинг ўсиш сураътларидан сезиларли даражада ошди, бу даслабки маълумотларга кўра 5,1% ташкил этди, бу эса бозорининг умумий нисбатда ўсганлигини кўрсатади.

Таҳлил қилинаётган даврда суғурта бозори ўсишининг асосий омиллари ихтиёрий суғурта турлари ҳисобига тўғри келмоқда. Ихтиёрий суғурта турлари орасида ҳаётни суғурталаш бўйича суғурта мукофотларининг ўсиши кузатилмоқда.

2018 йил якунлари бўйича ихтиёрий суғурта турларидан йиғилган суғурта мукофотлари 1,4 трлн.сўмни ташкил этган ҳолда ўтган йилга нисбатан 98,0 % га ошди. Шу билан бирга, мажбурий суғурта турлари бўйича мукофотлар ҳам ижобий тенденциялар кўзатилди, лекин ўсиш сураъти фақат 13,0% млрд.сўмни ташкил қилди.



4-расм. Суғурта мукофотларнинг суғурта турлари бўйича ўзгариш динамикаси, млрд.сўм (Ҳисобот, 2018)[17]

Ихтиёрий суғурта турлари бўйича суғурта мукофотларининг ўсиш сураъти, умумий нисбатда суғурта бозорида ихтиёрий суғурта турларининг ўсиш тенденцияларини ифода этади. Шундай қилиб, агар 2017 йилда ихтиёрий суғуртанинг улуши 74,8% гача ошган бўлса, 2018 йил якунлари бўйича ушбу кўрсаткич 9,05 пунктга ўсди ва 83,9% ни ташкил этди. Бозорда ихтиёрий суғурта улушидаги бу ўсиш тенденцияси ижобий натижа сифатида баҳоланиб бу мамлакатнинг суғурта бозорида реал ўсиш сураътларни акс эттирмоқда.

Экспертларнинг фикрича, 2018 йилда суғурта тўловларининг тез ўсиши кўзатилган. Ҳисобот даврида компаниялар томонидан тўловлар 71,0% га ўсди ва 460,8 млрд.сўмни ташкил қилди. Бундай ўсишнинг асосий омили бу ҳаётни суғурта қилиш суғурта турлари бўйича суғурта тўловларининг ошишидир.

Суғурта тўловлари доирасида ҳаётни ихтиёрий суғурта қилиш турларининг ўсиш тенденцияси мавжуд. Кўриб чиқилаётган даврда ихтиёрий суғурта турлари бўйича тўловлар миқдори 92,0 га ўсиб, 389,3 млрд.сўмни ташкил этди. Мажбурий суғурта бўйича суғурта тўловлари ҳажми 6.0% га ошиб, 71,5 млрд.сўмни ташкил этди.

[17] Муаллиф томонидан Молия вазирлиги маълумотлари асосида тайёрланган. www.mf.uz



5-расм. Суғурта қопламаларинингг суғурта турлари бўйича ўзгариш динамикаси, млрд.сўм (Ҳисобот, 2018)[18]

Натижада жами тўловлар бўйича ихтиёрий суғурта улуши 9,5 фоиз даража ошди ва 84,5% га этди. Мажбурий суғурта билан боғлиқ тўловларнинг улуши 15,5% ни ташкил этди.

2018 йил якунларига келиб суғурта мукофотларининг (суғурта тўловларининг суғурта мукофотларига нисбати) бозор учун зарарсизлиги 28,2% га барқарорлашди. 2017 йилда бу кўрсаткич 18,8 % дан 29,1% ўсган эди.



[18] Муаллиф томонидан Молия вазирлиги маълумотлари асосида тайёрланган. www.mf.uz

6-расм. Суғурта мукофотларининг зараралилик даражаси динамикаси, фоизда (Ҳисобот, 2018)[19]

2018 йил якунлари бўйича суғурта компнанияларининг инвестицион портфелининг ўсиши ўтган йилга нисбатан пасайган. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги вазирлигининг маълумотларига кўра таҳлил қилинаётган давр мобайнида компанияларининг инвестиция портфелининг жорий ҳажми 35% га ошиб 1995,6 млрд.сўмни ташкил этди.

Суғурта компанияларининг ўз маблағлари ва даромадларининг ошиши уларга суғурта захираларини шакллантириш ва инвестициялар ҳажмини ошириш имконини беради.



7-расм. Суғурта компанияларининг инвестиция портфелининг ўзгариш динамикаси, млрд.сўмда (Ҳисобот, 2018)[20]

Суғурта компаниялари инвестиция портфелининг ўсиши бу ўз маблағлари, даромадлари ҳажми ва мос равишда суғурта захиралари ҳажмининг ошиши билан бевосита боғлиқ. Маълумки суғурта компаниялари суғурталовчиларнинг суғурта заҳиралари тўғрисидаги низомга муфовиқ (1882-сонли, 18 декабр 2008 йил) компаниянинг активларини диверсификация қилиш, қайтарилишлик, даромадлилик тамойиллари асосида

[19] Муаллиф томонидан Молия вазирлиги маълумотлари асосида тайёрланган. www.mf.uz
[20] Муаллиф томонидан Молия вазирлиги маълумотлари асосида тайёрланган. www.mf.uz

инвестиция фаолиятини амалга оширади. Шу муносабат билан компаниянинг инвестициялари таркибининг динамикаси таҳлили шуни кўрсатдики, суғурта компаниялари ҳали ҳам депозит ва қимматли қоғозларни ишончли инвестиция объектлари деб ҳисоблашмоқда.

2018 йилда қилинган инвестицияларнинг сезиларли қисми банк депозитларига тўғри келди. Суғурта компанияларининг банк депозитларига қўйилган инвестициялари ҳажми 54,0% га ортиб 1034,3 млрд.сўмни ташкил этди. Қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар ҳажми 706,6 млр.сўмга этди ва бу 2017 йил кўрсаткичига нисбатан 10,0 фоизга ортиқ. Натижада жами инвестициялар бўйича банк депозитларининг улуши 6,7 фоизга ошиб 51,8 фоизни ташкил қилди. Қимматли қоғозларнинг улуши 8,0 пунктга пасайди ва 35,4% ни ташкил қилди.



8-расм. Суғурта компаниялари инвестиция портфелининг таркибий ўзгариш динамикаси, фоизда (Ҳисобот, 2018)[21]

Бундан ташқари кўчмас мулк объектларига, корхоналар устав фондидаги иштироклар, заёмлар ва бошқаларга қилинган инвестициялар ҳажми 2017 йил кўрсаткичларига нисбатан ошган. Корхоналарнинг устав капиталида иштирок этишга йўналтирилган инветициялари 2,0 борабарга ортиб 125,1 млрд.сўмни ташкил қилди. Заёмлар эса 44,0% фоизга ортиб, 13,9 млрд.сўмни ташкил этди. Кўчмас мулкка киритилган инвестициялар миқдори 115,5 млрд.сўмни ташкил этди бу ўтган йил кўрсаткичига нисбатан 18,0 фоизга ортиқ. Суғурта компанияларининг бошқа инвестициялари 80,0% га камайди ва 0,2 млн.сўмни ташкил этди.

Умуман олганда 2018 йилда суғурта компанияларининг инвестиция портфелида банк депозитлар улуши сезиларли даражада ошди ва қимматли қоғозларга инвестицияларнинг камайиши кузатилмоқда. Ушбу ўзгаришлар суғурта компаниялари инвестиция портфелининг сифат кўрсаткичларига сезиларли таъсир кўрсатмоқда.

Инвестицияларнинг бундай ўсишида ҳаёт суғурта соҳасида суғурта компаниялари сонининг ошиши ва улар томонидан олиб борилаётган инвестиция сиёсатига боғлиқ бўлди.



[21] Муаллиф томонидан Молия вазирлиги маълумотлари асосида тайёрланган. www.mf.uz

9-расм. Ўзбекистон ҳаёт суғурта соҳасида суғурта мукофотлари ва суғурта қопламаларининг ўзгариш динамикаси, млрд.сўм (Ҳисобот, 2018)[22]

Ўтган охирги икки йил давомида ҳаётни суғурталаш соҳасида фаолият юритаётган суғурта компаниялари сонининг сезиларли ўсиши кўзатилди. Ушбу соҳадаги компаниялар суғурта операцияларининг асосини ҳаётни жамғариб бориладиган суғурта турлари бўйича шартномалар ташкил этмоқда. Ушбу ўсишнинг асосий рағбати бу узоқ муддатли ҳаёт суғуртаси бўйича хизмат кўрсатилаётган жисмоний шахсларга мамлакат ҳукумати томонидан яратилган солиқ имтиёзлари ва шартларидир. Шуни таъкидлаш кераки, 2018 йилда шахсий даромад бўйича солиқ ставкаси 12% га камайди, бу жорий йилда ҳаётни суғурта қилиш соҳасида суғурта мукофотлари ўсиш тенденциялари ва динамикаларига таъсир қилиши мумкин.

Юқорида қайд этилганидек, ҳаётни суғурта қилиш соҳасидаги суғурта компаниялар сони кўпайди ва олтитани ташкил этди. Ҳаёт суғуртаси соҳасида фаолият олиб бораётган компаниялар бўйича жами мукофотлар 3 баробарга ўсиб 417,2 млрд.сўмни ташкил этди.

Соҳадаги суғурта тўловлари ўсиши 337,1 фоизни ташкил этда ва умумий ҳажмда 264,0 млрд,сўмни ташкил этди.

Таъкидлаш жоизки 2018 йилда соҳадаги суғурта муокфотлари ва тўловларнинг асосий қисми 4 та суғурта компанияси ҳиссасига тўғри келди, қолган икки компания ўз фаолиятини ҳисобот даврининг деярли иккинчи ярмида бошлаган. 2018 йилда соҳадаги бўлиб МЧЖ “New Life Insurance” суғурта компанияси ҳисобланади йиғилган суғурта мукофотлари 159,9 млрд.сўмни ташкил этган. Иккинчи ва учинчи ўринларни МЧЖ “Agros Hayot” ва МЧЖ “O'zbekinvest Hayot” суғурта компаниялари эгалайди ва мос равишда 126,9 млрд.сўм ва 101,2 млрд.сўм суғурта мукофотлари йиғишган. МЧЖ “Alfa Life” суғурта компанияси 24,4 млрд.сўм суғурта мукофотларини йиғган ва тўртинчи ўринни эгаллаган.

[22] Муаллиф томонидан Молия вазирлиги маълумотлари асосида тайёрланган. www.mf.uz

Таъкидлаш жоизки, соҳада йиғилган суғурта мукофотларининг асосий қисми учта суғурта компанияси ҳисобига тўғри келади, МЧЖ “New Life Insurance” суғурта компанияси – 31,1%, МЧЖ “Agros Hayot” – 38,3%, “O'zbekinvest Hayot” - 24,3%. Умуман олганда юқорида қайд этилган тўртта компания жами суғурта мукофотлари йиғиш бўйича ижобий натижаларга эришди ва уларнинг шахсий натижаларида ҳам ижобий ўсиш тенденциялари кўзатилди.

4-жадвал

Ҳаёт суғурта компанияларининг иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили[23]

СУҒУРТА МУКОФОТЛАРИ				
	Суғурта компаниялари	млрд. сўм	ўзгариш %	соҳадаги улуши %
1	МЧЖ "New Life Insurance"	159,9	357,8	38,3
2	МЧЖ "Agros Hayot"	129,6	1 002,6	31,1
3	МЧЖ "O’zbekinvest Hayot"	101,2	159,3	24,3
4	МЧЖ "Alfa Life"	24,4	139,3	5,9
5	МЧЖ "Euroasia Life"	2,0	-	0,5
6	МЧЖ "Kafolat Hayot"	0,2	-	0,0
СУҒУРТА ҚОПЛАМАЛАРИ				
	Суғурта компаниялари	млрд. сўм	ўзгариш %	соҳадаги улуши %
1	МЧЖ "New Life Insurance"	98,7	395,4	37,4
2	МЧЖ "Agros Hayot"	79,1	2 400,4	30,0
3	МЧЖ "O’zbekinvest Hayot"	68,1	181,1	25,8
4	МЧЖ "Alfa Life"	17,6	141,8	6,7
5	МЧЖ "Euroasia Life"	0,4	-	0,2
6	МЧЖ "Kafolat Hayot"	-	-	0,0

Суғурталашнинг узоқ муддатли турларининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки йиғилган суғурта мукофотлари шартнома муддати тугагандан кейин тўлалигича қайтарилади ва бу ўз навбатида суғурта қопламалари ошишига олиб келади ва бу суғурта турларининг хусусиятини

[23] Муаллиф томонидан Молия вазирлиги маълумотлари асосида тайёрланган. www.mf.uz

белгилайди. Шу муносабат билан узоқ муддатли суғурта турлари бўйича суғурта тўловларининг ошиши бу салбий тенденция эмас.

Масалан, 2018 йилда ҳаётни суғурталаш компаниялари суғурта тўловларнинг ҳажми 3,4 баробарга ошиб 264,0 млрд.сўмни ташкил этди. Соҳадаги суғурта мукофотининг зарарлилик даражаси 63,3 % ни ташкил этди. Суғурта тўловланинг 93,2% МЧЖ "New Life Insurance" (37,4%), МЧЖ "Agros Hayot" (30,0%) ва МЧЖ "O'zbekinvest Hayot" (25,8%) суғурта компаниялари ҳиссасига тўғри келади.

2.2. Суғурта бозори ва фонд бозориларининг ўзаро фаолият кўрсатишларининг асосий йўналишлари хориж тажрибаси

Ғарб амалиётида суғурта компаниялари молиявий жиҳатдан иқтисодиётнинг ва фонд бозорида жиддий институтционал ўйинчилари ҳисобланади. Айни пайтда фонд бозорига қилинган инвестициялар суғурта захиралари ва суғурта компанияларининг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Шу билан бирга суғурта компанияларининг қимматли қоғозларга қилинган инвестицияларининг йиллик миқдори ҳатто тўплаган суғурта мукофотлари миқдоридан сезиларни даражада юқори бўлиши мумкин.

Қимматли қоғозлар бозорида харидор сифатида суғурта компаниялари ролининг ўзига хос хусусияти шундаки, улар ўзларининг бозордаги имкониятларидан келиб чиқиб инвестицияларни қисқа ва узоқ муддатли ёки хавф даражаси юқори ёки хавфсиз бўлган операциялар билан шуғулланишлари мумкин, аммо амалиётда улар жуда консерватив фаолият олиб борадилар. Бу ерда фаолият нафақат иқтисодий ва сиёсий балки бозордаги маркетинг ҳалатига ҳам боғлиқ бўлади.

Бу ерда ҳар қандай ҳолатда ҳам давлат назорат органлари суғурта компанияларини спекулятив молиявий операциларни олиб борувчи инвесторлар ҳисобига тушиб қолишга йўл қўймайди. Шунингдек инвестицияларнинг ўзоқ муддатли бўлганлиги ҳам бундай фаолиятга йўл

қўймайди. Суғурта назорат органлари бунда суғурта компанияларининг активларини инвестиция қилиш жараёнларида актив турлари бўйича чеклаш ва ихтиёркорона инвестиция сиёсатини олиб боришларига ундайдилар. Масалан, Германияда хавф даражаси юқори бўлган қимматли қоғозларга инвестиция қилишга тақиқланади, АҚШда эса бундай қимматли қоғозлар гуруҳига активларнинг 1 фоиздан кўп миқдорини жойлаштиришга умуман йўл қўйилмайди. Буюк Британияда турли хил нодавлат қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар 1-5% миқдорида чекловлар ўрнатилган. Бундан ташқари, айрим мамлакатларда суғурта компанияларининг инвестицияларини давлат қимматли қоғозларига жойлаштириш учун тўғридан-тўғри кўрсатмалар мавжуд, бу нафақат суғурталанувчиларининг маблағларини ҳимоя қилишни балки давлат қарзини барқарор жойлаштиришни таъминлайди.

Кўплаб ғарб мамлакатлари фонд бозорларининг ривожланганлиги улар томонидан тақдим этилаётган инвестиция инструментларининг турли туманлигадан ҳам кўришимиз мумкин. Масалан: Қозоғистон Республикаси суғурта компанияларининг фонд бозорлари инстрементларининг хилма хилиги бўнга яққол мисол бўла олади. (5-жадвал)

Жадвал-5

Қозоғистон республикаси суғурта секторининг суғурта активларининг структураси[24]

Кўрсаткичлар турлари	**01.01.2018 й**		**01.01.2019 й**		**Йил бошидан йил охирига ўзгариши %да**
	млн.тенге	Жамига нисбатан %да	млн.тенге	Жамига нисбатан %да	
Пуллар	42068	4,5	40739	3,9	-3,2
Депозитлар	208348	22,5	190438	18,2	-8,6
Қимматли қоғозлар	424820	45,9	543778	51,9	28,0
Репо операциялари	52891	5,7	71014	6,8	34,3
Воситачилардан олиниши керак бўлган суғурта мукофотлари	31436	3,4	29411	2,8	-6,4

[24] Қозоғистон суғурта регулятори маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди. www.nationalbank.kz

Асосий воситалар	18921	2,0	17560	1,7	-5,7
Қайта суғурта активлари	110237	11,9	111843	10,7	1,5
Дебитор қарздорлик	12243	1,3	10401	1,0	-15,0
Бошқа активлар	25379	2,7	33327	3,2	31,3
Жами актив	926043	100	1048510	100	13,2

Ғарб мамлакатларида инвестиция сиёсатининг шаффофлиги суғурта компанияларининг хавфли инвестиция сиёсати билан шуғулланиши тийиб туради сабаби бундай сиёсат суғурта маҳсулотларини сотишни хавф остига қўяди. Суғурта компаниялари мижозларнинг хавфларини сотиб олсада, қимамтли қоғозлар бозорида хавфли инвестиция сиёсатини олиб боришларига ҳақлари йўқ. Юқори фойда олиш мақсадида шубҳали операциялар билан шуғулланиш оқибатида суғурта компаниялари ўз мижозларининг ишончини йўқотишлари мумкин, бу эса фонд бозорида йўл қўйиб бўлмайдиган ҳатодир.

Молия соҳасининг асосий пул йиғувчилари сифатида суғурта компаниялари қимматли қоғозлар бозорига қарама-қарши томондан киришга мажбур бўладилар, бу дегани улар ўзларининг қимматли қоғозлари эмитентлари бўлишлари ҳисобланади.

Суғурта компаниялари умумий талаблар доирасида фаолият юритадилар ва уларнинг қимматли қоғозлар бозоридаги эмиссия фаолияти бошқа соҳа вакиллари фаолиятидан деярли фарқ қилмайди. Жами эмиссия фаолиятининг кўлами ва айниқса иккиламчи қимматли бозорларида суғурта соҳаси банклар ёки йирик молия ва саноат гуруҳлари фаолиятидан анча пастдир. Бироқ айрим йирик суғурта компаниялари очиқ акциядорлик жамитяларининг роли ўта жиддий баҳоланади. Ўзбекистон учун бу йўналиш ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас, масалан, АҚШ ёки Германияда суғурта компаниясининг акцияларини очиқ қимматли қоғозлар бозорида сотилиши бу оддий ҳолат ҳисобланади.

Бундан ташқари суғурта назорати органлари суғурта компанияларининг акциядорларга ҳисоботларни бериш, қимматли қоғозларни чиқариш учун қўшимча рухсат бериш тартиб қоидаларини жорий

этишлари мумкин. Масалан Германияда суғурта фаолиятини назорат қилиш Федерал бошқармаси нафақат суғурталанувчилар балки суғурта компанияси акциядорларининг ҳам манфаатларни ҳимоя қиладилар, агарда низо юзага келганда акциядорлар назорат органига шикоят қилишлари мумкин, бунда назорат органлари акциядорлар тарафи туриб мавжуд низоларни бартарф этиш юзасидан уларга маслаҳатлар ва бошқа хизматларни кўрсатишлар мумкин.

Бироқ бугунги кунда суғурта компаниялари фонд бозори орқали нафақат капитални ошириш балки қимматли қоғозлар эмиссияси орқари улар бозорда рискларни қайта тақсимлаш фаолиятларини олиб бормоқдалар. Қатор ғарб қайта суғурта компаниялари томонидан аралаш молиявий восита сифатидаги “фалокатли” деб номланувчи облигацияларни чиқариш амалиёт кенг жорий этилмоқда. Облигация харидорларига улар юқори рентабелликни ваъда қилишади (одатий облигацияларга нисбатан), аммо маълум бир фалокат юз берганда (масалан, зилзила ёки бошқа турдаги кенг кўламли табиий офат) облигация эгалари фоиз ёки инвестиция маблағининг айрим қисмини баъзан эса хаммасини йўқотишлари мумкин.

Суғурта компанияси акциядорга латореяга ухшаган ўйинни таклиф қилади, бунда инвестор зилзилалар кам учрайдиган ҳолатлиги ҳисобга оладиган бўлса юқори фоиздаги даромад олиши мумкин бўлади. Бундан ташқари бундай “фалокатли” облигациялар бозордаги макроиқтисодий кўрсаткичлардан ҳоли равишда амал қилади ва даромад олиш бу кўрсаткичларга боғлиқ бўлмайди. Суғурта компанияси эса аксинча агар фалокат юз берса у таъминланган маблағларга эга бўлади.

Аммо суғурта компанияларининг бундай фаолиятлари эмиссия деб баҳолаш мумкин эмас, сабаби бу облигациялар савдоси эмас балки унинг моҳиятига яқин бўлган қайта суғурта орқали хавфни тақсимлашга ўхшайди. Чет эл адабиётларида бундай иқтисодий ҳодиса “секютиризация” деб аталади. Бизнинг фикримизча бундай операциялар келажаккада катта истиқболаг эга, чунки бу суғурта бозорининг салоҳиятини оширади ва юқори хавфлар билан

боғлиқ зарарларни коплаб берилишини таъминлайди. Шу билан бирга, қайта тақсимлаш босқичлари сони ва уни ташкил этиш харажатлари (қайта суғурталаш канналари билан таққослаганда) камаяди ва натижада суғурта компаниялари мижозларига хизмат кўрсатиш харажатлари пасаяди.

Бундай инновацион операцияларни миллий суғурта бозоримизда қўллаш биз учун жуда яхши самара бериши табиий сабаби қайта суғурта компанияларининг йўқли бунга ижобий туртки булар эди. Аммо фонд бозорининг капаталлашув миқдори кам бўлганлиги сабабли бундай операцияларни олиб бориш имконияти ҳозирча мавжуд эмас.

Қимматли қоғозларнинг жозибадорлиги таъминлашнинг муҳим шартларидан бири бу эмитентнинг ишончли суғурта компанияси билан суғурта шартномасига эга бўлишидир. Мисол учун оддий инвесторларнинг инвестиция хавфи суғурталанганлиги инвесторларда бўлган ишончни оширади. Сабаби оддий инвесторга нисбатан суғурта компанияси инвестицияларни суғурталашдан олдин уни батафсил ва изчил экспертиза текширувидан ўтказади, бу эса оддий инвестор текширувидан бир неча бор ишончлидир.

Кўпгина мамлакатларнинг қонунчилик хужжатларига мувофиқ суғурта компаниялари, банклар ва кредит ташкилотлари билан бирга кафиллик вазифасини бажариши мумкин, яъни мижозларнинг мажбурият бажаришларини кафолатлайди. Бунда суғурта компанияси мизож ўз мажбуриятини бажара олмаса суғурта компанияси мизожнинг учинчи шахслар олдидаги қарз мажбуриятларини тўлаб беради.

Йирик суғурта компанияларининг кафиллиги инвестицияларнинг ишончлилигини аниқлашда яхши далил бўлиб хизмат қилади, шунинг учун ҳалқаро алоқаларда суғурта компаниясининг кафиллик бериши кенг тарқалган амалиётлари сирасига киради.

Суғурталаш тизимининг ривожланганлиги ва ундан фойдаланиш иқтисодиётнининг инқирозларсиз ривожланиши гаровидир, шундан келиб

чиққан ҳолда қимматли қоғозлар бозори ривожи учун ҳам кўлай шарт-шароит яратиб беради.

Юқорида айтиб ўтилганидек, фонд бозори макроиқтисодий цикларнинг ўзгариши ва бозор конюктурасининг тебраниб туриши билан боғлиқ омиллар ўзгаришига жуда мойил ҳисобланади.

Бозор иқтисодиётининг барқарор ривожланишида, ишлаб чиқариш жараёнларининг узлуксизлигини таъминловчи молиявий механизм сифатида суғурта макроиқтисодий омилларнинг барқарорлигини ва уларнинг нисбатини мувозанатини оптималлаштиришга яқиндан ёрдам беради.

Йирик миқдордаги табиий ёки техноген фалокатларнинг катта ҳуддудлар бўйлаб юз берганда суғурта механизми зарарларни қоплаб бериши билан мамлакатнинг молиявий имкониятларига ижобий таъсир кўрсатади. Бундан ташқари суғурта компанияларининг барқарор инвестицион фаолият олиб боришлари натижасида иқтисодиётни “узун” пуллар таъминловчи асосий молиявий институтлардан бири ҳисобланади. Шунинг учун ривожланган мамлакатларда суғуртанинг айниқса жамғариб бориладиган суғурта турларининг ривожланиш даражасига қараб мамлакатнинг монетар тизимнинг ривожлангани ва инфляциянинг даражаси ва инвестицияларнинг ривожланишига тўғридан-тўғри баҳо беришади.

III БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУДЛИКАСИДА СУҒУРТА КОМПАНИЯЛАРИНИНГ ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

3.1. Суғурта компанияларининг инвестицион фаолиятни самарадорлигини ошириш йўналишлари

Суғурта фаолияти кўрсаткичларини таҳлил қилар эканмиз қўйидаги формулалар орқали ҳисоб китобларни амалга оширишимиз мумкин (6-жадвал):

6-жадвал

Суғурта фаолиятининг асосий йўналишларини акс эттирувчи актуар ҳисоб-китоб формулалари[25]

Кўрсаткич	Ҳисоб формуласи	Шартли белгилар
Суғурта суммасининг зарарлилик даражаси ($С_{мз}$)	$С_{мз} = \frac{\sum К}{\sum С}$; $0 \le С_{мз} \le 1$ (1);	$С_{мз}$ – суғурта суммаларининг зарарлилик даражаси, бу ерда: Қ – тўланган қопламар суммаси (пул бирлигида). С – Суғурта объектларининг жами суммаси.
Зарарлилик нормаси ($З_н$)	$З_н = \frac{\sum К}{\sum С} \times 100$; $0 \le З_н \le 1$ (2);	Қ – тўланган қопламар суммаси (пул бирлигида). С – Суғурта объектларининг жами суммаси.
Ушбу *суғурта суммасининг зарарлилик даражаси* ва *зарарлилик нормаси* кўрсаткичлари орқали ҳозирги кунда миллий суғурта бозоримиздаги суғурта турларининг барчаси даромадли ҳисобланиши аён бўлади.		
Коньшин коэффициенти (К)	$K = \sqrt{\frac{1-\overline{Т}}{n\overline{T}}}$ (3);	n – суғурталанган объектлар сони $\overline{T}$ – суғурта портфели бўйича ўртача тариф ставка
Коньшин коэффициенти (К) **орқали пул маблағларининг етишмовчилик даражаси аниқланади. Ушбу кўрсаткич канчалик кичик бўлса суғурта операцияси шунчалик барқарор бўлади.**		

[25] Суғурта соҳасида қўлланиладиган актуар ҳисоб-китоблар асосида муаллиф томонидан умумлаштирилган.

Суғурта фондининг барқарорлик коэффициенти (Б$_к$)	Б$_к$ $= (D + Z_m) / H$ (4);	D – суғурта ташкилоти даромади (аниқ даврга оралиғида) Z_m – заҳира фондлари маблағлари H – суғурта компаниясининг харажатлари (аниқ давр оралиғида)
Суғурта фондининг барқарорлик коэффициенти (Б$_к$) **қанча юқори бўлса суғурта фонди шунчалик барқарор бўлади.**		

Олимлар инвестиция портфелини оптималлаштириш, инвестиция рискларини камайтириш мақсадида мавжуд бўлган факторлардан фойдаланиб инвестициядан даромад олиш моделларини кўплаб тузишган. Улар ичида ғарб олимлари, Нобель мукофоти соҳиблари Fischer Sheffey Black ва Myron Samuel Scholes олимларнинг “Black–Scholes” моделини келтириб ўтишимиз мумкин.

Инвестиция портфелини бахолашдаги янги даврни 1959 йилда Harry Max Markowitz фанга янгилик сифатида олиб кирди. Унинг изланишларида ўзгалардан фарқли равишда, таъсир кўрсатувчи факторларга баҳонинг ўзгариши ҳам қўшилди. Яратилган моделлар ичида Марковица ва Линтнер ҳамкорлиги остида “Аниқланган капитал баҳоси модели” муҳим ўрин эгаллади.[26]

Уларнинг модели бўйича суғурта компаниясининг даромадлари қуйидагилардан ташкил топади:

$$\pi = E_k + k(P - X)r + [P - L - X] \text{(5)}$$

Бунда,π - суғурта компаниясида кутилаётган даромад;

E_k – хусусий маблағлар;

P – суғурта мукофортлари;

L – суғурта қопламалари;

X – ишлаб чиқариш харажатлари в.б.;

k– суғурта резерви фондига ажратма коэффициенти;

r – кутилаётган фоиз ставкаси.

Ишлаб чиқилган оптималлаштириш усулларининг суғурта хусусиятларига мос келадиган афзалликларини олиб, суғурта компаниясининг инвестиция фаолиятини оптималлаштириш моделини тузишга ҳаракат қиламиз.

[26] Markowitz H. M. Portfolio Selection: Efficient Diversification of Investment. Wiley. New York. 1959.

Оптималлаштириш моделини тузиш жараёнида хато ва камчиликлардан қочиш мақсадида инвестиция фаолияти иштирокчилари бозорини классификациялаш орқали чегаралар қўйилади. Бу тизим суғурта компанияларининг инвестиция фаолияти таҳлилини ўрганишга жорий қилинади.

Таклиф қилинаётган тизим чегаралашнинг уч белгиси бўйича классификацияланади:

1) бозор иштирокчиларига таъсирига кўра:

– умумий, яъни молия бозорининг ҳамма иштирокчиларига таъсир кўрсатади;

– хусусиятига кўра, айрим иштирокчиларгагина аҳамиятли;

– хусусий, аниқ, бир иштирокчига тегишли.

2) табиатига кўра:

– объектив, яъни иштирокчиларга боғлиқ бўлмаган ҳолда таъсир қилади;

– субъектив, иштирокчиларнинг ўзи томонидан танланган метод бўйича аниқланади ва ўрнатилади;

3) инвестиция ҳажмини қамраб олишига кўра;

– тўлалигича, инвестиция ҳажми тўлалигича иштирок этиши мумкин;

– қисман, инвестиция ҳажмининг фақат бир қисмигина иштирок этиши мумкин(масалан, факат суғурта заҳираи маблағлари);

Бирон бир суғурта компаниясини мисол қилиб оладиган бўлсак, инвестиция фаолияти билан боғлик қуйидаги асосий чегараларни аниқлаймиз:

1) миллий молия бозорида бугунги ҳолатидан келиб чиқиб, айрим молиявий инструментларнинг йўқлиги ёки ишламаётганлиги;

2) суғурта заҳираларини тўлдириб боришга керак бўлган активларни жойлаштирилишини давлат томонидан назорат қилиниши;

3) суғурта компаниялари ички муҳитидан келиб чиқиб, айрим ҳолларда инвестицияга жойлаштириш жараёнининг таъсисчилар томони рухсати билан амалга оширилиши;

4) ички муҳитдан келиб чиқиб, компания молия менежерларининг ва раҳбарларининг суғурта портфелини ҳимоясини кўзлаб инвестициялашга талаблар қўйиши.

Юқорида келтириб ўтилган чегараларни ва портфелни ҳимоялаш учун ишлаб чиқилган методларга таяниб, оптималлаштириш моделини тузиш жараёнида суғурта заҳираларини жойлаштиришни давлат томонидан чегараланиши, суғурта портфелининг таркибларининг ўзига хослиги ҳолатлари ҳам ҳисобга олинади.

Бунинг натижасида, мавжуд чегараларни хисобга олган холда, максад функциясига эга булган инвестициялашнинг оптимал модели ишлаб чикилади:

$$D = \sum_k A_k \times \sum_i \sum_j a_{ij}\, d_{ij} + B \times \sum_i \sum_j b_{ij}\, d_{ij} \quad (6)$$

бу ерда, қўшимча қуйидаги чегаралашлар мавжуддир:

$$\sum_j a_{ij} \leq a_i \text{ ва } \sum_i a_{ij} \leq a_j \ (7)$$

Бозор талабларидан келиб чиқган ҳолда инвестиция фаолияти билан боғлиқ бўлган рискларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир:

$$P = \sum_k A_k + \sum_i \sum_j a_{ij}\, p_{ij} + B \times \sum_i \sum_j b_{ij}\, p_{ij} \leq P_{\text{доп}}\ , (8)$$

бу ерда;

D – киритилган инвестициянинг даромадлилиги;

A_k – суғуртанинг k тури бўйича суғурта резервларининг умумий суммаси;

a_{ij} – суғурта резервларини қоплаш учун j – эмитентнинг i – кўринишдаги активларини портфелдаги улуши;

B – суғурта компаниясининг инвестиция ресурси сифатида ишлатиши мумкин бўлган ўзлик маблағлари;

b_{ij} – хусусий маблағларини ифодаловчи j – эмитентнинг i – кўринишдаги активларини портфелдаги улуши;

d_{ij} - j – эмитентнинг i –кўринишдаги активларининг даромадлилиги;

a_{ij} - суғурта резервларини қоплаш учун j – эмитентнинг i –кўринишдаги активларини портфелдаги улушининг чегараси;

p_{ij} – суғурта резервларини j – эмитентнинг i –кўринишдаги

активларига жойлаштиришдаги таваккалчилик даражаси;

$P_{\text{доп}}$ – суғурталовчи томонидан инвестиция портфелида йўл қўйилиши мумкин бўлган рискнинг максимал даражаси.

Чегараланиш суғурталовчи томонидан амал қилинадиган қуйидаги кўрсаткичларга ҳам таъсир қилади:

а) мумкин бўлган қўйилмалар кўринишининг сони (i-нинг мумкин бўлган чегаравий сони жами - U_i)

б) мумкин бўлган эмитентлар сони (j-нинг мумкин бўлган чегаравий сони жами - U_j)

в) алоҳида битта қўйилманинг улуши (j-нинг жами ёки қатъий аниқлангани бўйича $\sum_j a_{ij}$)

г) а лоҳида битта эмитентнинг улуши (i-нинг жами ёки қатъий аниқлангани бўйича $\sum_i a_{ij}$)

Оптималлаштиришнинг мақсад функциясини тузиш жараёнида кўриб ўтилган барча боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган ҳолатларни, амал қилиниши шарт бўлган чегараларни ҳисобга олиш зарурдир.

Суғурта компаниясининг инвестиция портфелини оптималлаштириш масаласи чизиқли дастурлаш масалалари туркумига киради. Масалани ечишни бошлашдан олдин қуйидаги кўрсаткичларга аниқликлар киритиб олинади:

1) Маълум бир муддат давомида суғурта компаниясининг хусусий маблағлари қиймати(жавобгарлик билан боғлиқ бўлмаган) ва вақтинча бўш суғурта заҳиралари (жавобгарлик билан боғлиқ бўлган);

2) Портфелни оптималлаштириш учун танлаб олинган аниқ маълум бир муддат;

3) Танлаб олинган вақт охиридаги кутилаётган кўрсаткич ва мумкин бўлган қуйидаги четланишлар прогнозлаштирилади:

а) инвестиция сиёсатини олиб боришда ҳисобга олинадиган суғурта мукофотлари ва бошқа тушумлар;

б) суғурта қопламалари;

4) Аниқланган прогнозлардан келиб чиқиб қуйидагилар аниқланади:

а) суғурта портфелига қўйиладиган чегаралар;

б) мавжуд бўлган – $P_{\text{доп}}$ портфелдан кутилаётган фойда;

5) Мавжуд бўлган барча чекланишларни ҳисобгаолган ҳолда, инвестиция портфелини оптималлаштириш масаласи мақсад фукнкциясининг максимуми топилади. Бумаса чизиқли дастурлаш масаласидир. Масалани ечимини топиш орқали танланган муддат охирига кутилаётган максимал фойда $-P_{\text{доп}}$ топилади.

Юқоридаги усулни қўллаш орқали суғурта компаниялари инвестиция портфелини қўйилган чекланишларни ҳисобгаолган ҳолда, максимал фойда олишга эришиши мумкин.

Худди шундай муммоларни мамлакат суғурта компаниялари фаолиятида ҳам учратиш мумкин. Бу муаммолар эса ўз навбатида ечимини кутиб қолмоқда. Шу сабабдан, ушбу муаммоларни келиб чиқиш манъбаларини чуқур таҳлил этган ҳолда, мамлакат суғурта компаниялари инвестиция фаолиятини самарадорлигини оширишда юзага келаётган камчиликларни аниқлаш, уларни бартараф этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш асосида ўз таклиф ва мулоҳазаларни бериш зарурияти пайдо бўлди.

Суғурта компаниялари инвестиция фаолиятига давлат аралашувини камайтириш, чунки давлат томонидан суғурта компаниялари инвестиция фаолиятига аралашув суғурта компаниялари бўш маблағларини кенгроқ жойлаштириш имкониятини чеклаб, инвестиция фаолиятидан олинадиган даромад самарадорлигини пасайтиришга олиб келади.

Суғурта ташкилотларининг депозитларга қўйилган маблағлар, қимматли қоғозлар бўйича фоиз даромадларидан олинадиган солиқ ставкасини камайтириш ёҳуд умуман бекор қилиш.

Давлат томонидан фонд биржалари фаолиятини назоратга олган ҳолда, самарадорлигини ошириш, чунки мамлакатимизда фаолият олиб бораётган фонд биржалари фаолияти сезиларсиз аҳволда.

3.2. Суғурта компанияларининг фонд бозоридаги иштирокини давлат томонидан назорат қилиш ва қўллаб-қуватлаш

Суғурталовчилар томонидан суғурта захиралари ҳосил қилиш ва жойлаштириш тартибини ҳамда суғурталовчилар томонидан суғурта захиралари маблағлари шакллантирилиши ва жойлаштирилиши бўйича ҳисобот юритиш тартибини, ҳисоботлар тузишни белгилаш суғурта назорат давлат инспекциясининг асосий вазифаларидан бири ҳисоболанади.

Суғурта компаниялари фаолиятини ривожлантиришда, уларнинг қўшимча инвестиция фаолиятидан тушган даромадлари жуда катта аҳамиятга эгадир. Шунинг учун суғурта компанияларини инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш мақсадга мувофиқдир. Чунки инвестиция фаолиятидан тушган даромадлари суғурталовчиларнинг суғурта хизматларини кенгайтиришда ёки суғурта компанияларининг филиаллари ва ваколатхоналарини очишда бевосита ўз ўрнига эгадир. Ҳозирги кунда суғурталовчиларни инвестиция фаолияти давлат томонидан тартибга солиш қуйидаги йўллар орқали амалга ошириб келинмоқда:

- инвестиция фаолияти қонунчилик базасини такомиллаштириш орқали;
- солиқ тизимини қўллаш, солиқ тўловчилар ва солиқ объектларини дифференцияловчи солиқ ставкалари ва улар бўйича имтиёзлар бериш орқали;
- асосий фондлар амортизациясини қўллашни тезлаштириш орқали;
- қоида ва стандарт, меъёрларни ўрнатиш орқали;
- монополияга қарши чораларни қўллаш орқали;
- кредит сиёсати ва баҳони шакллантириш сиёсатини олиб бориш орқали;
- ер ва бошқа табиий ресурсларга эгалик қилиш ва фойдаланиш шартларини аниқлаш орқали;

- инвестиция лойиҳаларни экспертиза қилиш механизмини ўрнатиш орқали;

- Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурига киритилган инвестиция лойиҳаларни амалга ошириш мониторинги олиб бориш ва бошқалар.

Бозор иқтисодиётида инвестиция фаолиятини фуқаролар, юридик шахслар (корхоналар, фирмалар, акционерлик жамиятлари ва бошқа турдаги мулк эгалари) ва давлат юритади.

Инвестиция фаолиятини йўлга қўйишда ҳар бир мулк эгаси, биринчи навбатда ўз манфаатини кўзлаб бу жараёнда ягона бир мақсадга, яъни фойдага, самарага эришишни режалаштиради. Ушбу фаолиятни юритишда иқтисодий маълумотларга нафақат танлаган соҳада эмас, балки бутун иқтисодиётга мамлакат миқиёсида маркетинг билимлари асосига эга бўлиши алоҳида аҳамиятга эга. Чунки барқарорлашган иқтисодиётда, асосий муомаласи, пул муомаласи, молия, кредит ва банклар, солиқ сиёсатини чуқур билмай туриб, инвестиция фаолиятини ташкил этиш таваккалчилик билан боғлиқ бўлиб, қисқа давр ичида инқирозга учраши мумкин.

Суғурта компаниялари фаолиятини иқтисодиётдаги аҳамияти, уларнинг ҳар бир суғурталанувчига сотилаётган суғурта маҳсулотларини талаблардан суғурталовчиларнинг инвестиция операциялари давлат томонидан тартибга солиш зарурияти юзага келади.

Суғурталовчиларнинг инвестиция фаолиятини тартибга солишнинг объекти бўлиб, суғурталовчиларнинг суғурталанувчилар олдида олган мажбуриятларни бажариш мақсадида шакллантирилган суғурта захиралари ҳисобланади. Республика қонунчилигида ўрнатилган талаблар асосида инвестицияга йўналтирилган маблағлар диферсификация, фойданинг қайтарилиши ва ликвидлик шартларига жавоб бериши лозим. Бундан ташқари, ҳозирги пайтда жаҳон тажрибаси амалиётида бошқа тамойиллар хусусиятлари асосида ҳам тартибга солинади.

Суғурта захиралари вақтинча бўш турган махсус суғурта ресурслари айланмаси ҳисобланиб, унга суғурталовчининг даромади сифатида қаралмайди. Улар суғурта компаниялари учун инвестиция фаолияти орқали қайсики, тижорат мақсадларида суғурта фонди маблағларни бир қисмини ишлатиш йўли билан даромад олиш манбаи асоси ҳисобланади.

Инвестиция фаолиятида олинган маблағлар суғурта операцияларни молиялаштиришга шу жумладан, суғурта турлари бўйича зарарларни қоплаш, янги суғурта турларини ишлаб чиқиш ҳамда кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашга йўналтирилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2009 йил 3 июлидаги 68-сон буйруғига ва суғурталовчи ва қайта суғурталовчининг инвестиция фаолияти тўғрисида Низом ҳамда мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 апрелдаги ПҚ-618-сон “Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ суғурталовчи ва қайта суғурталовчининг инвестиция фаолиятига оид талаблар белгилаб қўйилди. Мазкур Низом давлат ижтимоий суғурта ташкилотларига нисбатан қўлланилмайди. Ушбу Низомга кўра қуйидагилар суғурталовчи (қайта суғурталовчи) инвестиция фаолиятининг объектлари ҳисобланади:

- Ўзбекистон Республикасининг давлат қимматли қоғозлари;
- хорижий давлатларнинг давлат қимматли қоғозлари;
- банк сертификатлари (депозит сертификатлари);
- кредит ташкилотларига қўйилган омонатлари (депозитлар);
- кўчар ва кўчмас мол-мулк (бинолар, иншоотлар, усуналар ва бошқа моддий бойликлар) ҳамда уларга доир ҳуқуқлар;
- юридик шахсларнинг устав капиталида иштирок этиш улуши;
- Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чиқариш ва муомалага киритишга рухсат берилган, ёки тегишли ваколатли орган томонидан берилган қимматли қоғозлар бозорида савдони ташкил этиш бўйича фаолиятни амалга ошириш

учун лицензияга эга бўлган хорижий эмитентлар томонидан чиқарилган ҳамда қимматли қоғозлар бозорида муаомалага қўйилган қимматли қоғозлар.

Суғурталовчи (қайта суғурталовчи) инвестицияларни қонун ҳужжатларига зид бўлмаган инвестиция фаолиятининг бошқа объектларига ҳам амалга ошириши мумкин.

Суғурталовчи (қайта суғурталовчи) инвестиция фаолиятини амалга оширишда қуйидагиларга мажбур:

а) Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2008 йил 22 апрелдаги 41-сон буйруғи билан тасдиқланган “Суғурталовчилар ва қайта суғурталовчиларнинг тўлов қобилияти тўғрисидаги низом” билан белгиланган суғурталовчилар (қайта суғурталовчилар) активларини жойлаштиришга оид талабларга ва Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2008 йил 20 ноябрдаги 107-сон буйруғи билан тасдиқланган “Суғурталовчиларнинг суғурта заҳиралари тўғрисидаги низом” билан белгиланган суғурта заҳираларини жойлаштириш тартибига оид талабларга риоя қилиш;

б) молиявий, техник ва ахборот ресурслари мавжудлигини таъминлаш;

в) маблағларни инвестиция қилиш мақсадга мувофиқлиги ҳақида масъул шахснинг ёзма хулосаларини очиш;

г) масъул шахснинг ушбу Низом билан белгиланган малакавий талабларга мувофиқлигини таъминлаш.

Суғурта компаниясининг дастлабки молия манбаи бўлиб, низом жамғармаси ҳисобланади. Республикамиз қонунчилиги бўйича лицензия олгунга қадар компаниянинг 90 фоиз низом жамғармаси пул кўринишда шаклланган бўлиши талаб этилади. Кейинги пайтларда маблағларни тўланган суғурта мукофотлари, қайта суғурта операциялари бўйича тўловлар ва инвестиция фаолиятидан олган даромадларидан шаклланиб боришини кузатишимиз мумкин.

Ўзбекистон ҳукумати томонидан суғурта соҳасини ривожлантиришга катта эътибор берилиб, суғурта бозорини босқичма-босқич ислоҳ қилиш

тамойили амалга оширилмоқда. Ўзбекистоннинг мустақил ривожланиши даврида суғурталашнинг ҳуқуқий базасига ва суғурта соҳасида бозор тузилмасини ривожлантиришга пойдевор қўйилди. Сўнгги йилларда мамлакат суғурта хизматлари бозорида ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва уни эркинлаштириш доирасида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2002 йил 5 апрелдаги 6-сессиясида “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди. Ушбу қонун билан суғурта компанияларнинг инвестиция фаолиятини амалга оширилиши белгиланди.

Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йўналишларини амалга оширилиши инвестицион фаолиятни жадаллаштиришга, хорижий инвестицияларни кенг жалб этишга, экспорт салоҳиятини кенгайтириш ва экспортни ўсишига кўмаклашишга қаратилган ҳамда институционал ўзгаришларни назарда тутади. Суғурта бозори ривожланишининг замонавий босқичи суғурта бизнеси халқаро амалиёти талабларига жавоб берувчи суғурта хизматларининг кенг кўлами билан тақдим этилган суғурта хизматлари тизимини ривожлантиришнинг табиий талабини белгилаб берди. Ўзбекистон бозорида ушбу хизматларни олиб бориш барча турдаги тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ва аҳолининг кенг қатламлари манфаатларини ҳимоя қилишдан иборатдир.

Суғурта компаниялари асосий фаолият билан бир қаторда инвестиция фаолиятини ҳам амалга ошириш имкониятига эгадир. Одатда, суғурта компанияларининг суғуртавий хизмат кўрсатиш ўзига хос хусусиятга эга яъни, мижоз дастлаб суғурталовчига суғурта бадалини шартнома тузилиши билан тўлайди. Суғурта шартномаси муддатининг тугаши хизмат тўлиқ кўрсатилганлигидан далолат беради. Демак, суғурта компанияларида молия ресурсларнинг ҳаракати хусусиятлари шунга олиб борадики, суғурта компаниялари ихтиёрида шартномани амал қилиши мобайнида қўшимча даромад олиш мақсадида инвестициялаш мумкин бўлган вақтинчалик мажбуриятдан ҳоли бўлган катта миқдорда вақтинча бўш маблағлар

тўпланади. Суғурталовчилар бу маблағларни қўшимча даромад олиш мақсадида турли объектларга инвестиция қилишлари мумкин.

Суғурта ташкилотлари тасарруфида катта миқдордаги молиявий ресурсларни тўпланиши, уларни иқтисодиётни ривожланишида муҳим рол ўйнашини кўрсатади. Суғурта қилувчилар томонидан молия ресурсларининг тўпланиши суғуртани фаол инвестицион сиёсат йўли билан иқтисодиётнинг асосий омилига айлантиради. Бошқача сўз билан айтганда, суғуратловчилар турли полис эгаларидан олинган пассив пул маблағларни молия бозорида ҳаракат қилувчи актив капиталга айлантиришади.

7-жадвал

Суғурта компанияларининг резервларини жойлаштириш нормативлари (% фоизда)[27]

Вид актива	Германия	Франция	Япония	АҚШ	Буюк Британия	Россия	Ўзбекистан
Давлат қимматли қоғозлари	-	-	-	-	-	<15	чекловсиз
Давлат субъектлари ва муниципал қимматли қоғозлар	<30	<65	<30	<49	<2	<30	-
Банки депозитлари	-	-	-	-	-	<50	<40
Инвестицион пайлар	-	-	-	-	-	<10	-
АЖ акция ва облигациялар	-	-	-	<4	-	<20	<30
Устав фондаги иштироки ва бошқа бойликлар	-	-	-	-	<60	<10	<30
Уй-жой сертификатлари	-	-	-	<17	<2	<5	-
Кўчмас мулклар	<20	<40	<20	<17	<20	<40	<50
Валюта қимматликлари	-	-	-	-	-	<10	-
Ссудалар	<10	<50	<55	<4	<2	-	<10
Ҳисоб рақам	-	-	-	-	-	чекловсиз	>3

Шу билан бирга, дунёнинг етакчи компанияларининг тажрибасига кўра, компания инвестицион портфелининг корхона ва кўчмас мулклар устав фондига инвестициялари 15%, қимматли қоғозларга инвестициялари 25-60%, тижорат банклари депозитларига маблағлари 15-30%, инвестициянинг бошқа турларига 1-12% дан ошмаган ҳолда белгиланган.

[27] Хорижий ва миллий қонунчилик таҳлиллари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Суғурта компанияси инвестицион имкониятларини қуйидаги омиллар белгилайди:

- йиғиладиган суғурта мукофотлар ҳажми;
- суғурта портфели ҳажми;
- амалга оширилаётган суғурта хизматининг фойдалилиги ёки зарарлилиги;
- суғурта резервларини шакллантиришга давлат томонидан қўйиладиган талаблар;
- тузилган суғурта шартномалари муддати;
- ўзлик маблағлари ҳажми.

Суғурта компаниясининг инвестицион имкониятлари тахминан шундай деярли шаклланиб боради. Инвестицион имконият асосий қисми ўзлик маблағларга тўғри келади. Суғурта резерви эса доимий равишда суғурта қопламалари тўланишига қараб ўзгариб туради.

Суғурта компаниясининг инвестицион портфели тизими, унинг молиявий барқарорлигини таъминлаши лозим ва у одатда суғурта назорати меъёрлари билан белгиланади. Унда суғурта захираларининг вақтинчалик бўш турган маблағларини жойлаштириш тартиби белгиланган.

Маълумки, суғурта компаниялари уларга ўз маблағларини қўшиш мумкин бўлган инвестицион лойиҳалар тўплами сармоя бозорининг ривожланиш даражасига боғлиқ. Ҳозирги пайтда суғурталовчиларнинг вақтинчалик бўш турган маблағлари тижорат банклари депозитларига, қимматли қоғозларга жойлаштирилиши, корхона ва кўчмас мулкларга инвестиция қилиниши мумкин. Инвестицион портфел таркиби ва тизимини тартибга солиш одатда киритилган маблағларнинг турлари бўйича минимум ва максимумни белгилаш йўллари орқали амалга оширилади.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Ўзбекистонда суғурта соҳасининг кейинги ривожланиши давлатнинг истиқболда бу борадаги килишини керак бўлган вазифаларига боғлиқ бўлади. Суғурта соҳасининг ривожланишига салбий таъсир кўрсативчи омиллари булар қўйидагилардир:

– фуқароларнинг ва юридик шахсларнинг молиявий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда суғурта маҳсулотларига бўлган талаби самарали қондирилмаган;

– ихтиёрий суғурта бозорининг ривожланишига таъсир кўрсатадиган мажбурий суғуртанинг етарли даражада ривожланмаганлиги;

– суғурта захираларини инвестициялаш учун ишончли воситаларнинг камлиги;

– суғурта компанияларнинг инвестицион фаолиятини юритиш билан боғлиқ қонунчиликда белгиланган чекловлар бугунги бозор иқтисодиёти талабларига мос келмаслиги ва суғурта ташкилоти фаолиятини чеклаб кўйиши;

– суғурта компанияларда инвестицион портфелни юритиш билан боғлиқ билим ва кўникмаларнинг етишмаслиги;

– замонавий инвестицион лойихаларни молиялаштиришаг суғурта компанияларнинг жалб қилинишининг сустлиги;

– суғурта бозорининг муҳим соҳаларида рақобатнинг чекланган механизмлари;

– солиқни такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тизими ишлаб чиқилмаган;

– суғурта компанияларининг капиталлашуви етарли даражада эмас, миллий қайта суғурта бозорининг такомиллашмаганлиги, капиталнинг хорижга чиқиб кетиши каби омиллар.

Юқорида келтирилган омилларни ечишга қаратилган таклифларни ишлаб чиқиш муҳим аҳмият касб этади.

Таҳлилларимизда шунинг гувоҳи бўлдикки, мамлакатимиз бўйича суғурта хизматлари кўрсатилиши қамрови охирги беш йилда сезиларли даражада ошган, шунингдек суғурта компанияларнинг капиталлашув даражаси ҳам сезиларли даража ошган. Бу ҳолат суғурта компанияларни суғурта бозорида суғурта маҳсулотларини таклиф қилиши ва мижозларга сифатли суғурта хизматлари кўрсатилиши яхшиланиб бораётганлигидан далолат беради ва ўз навбатида бундай ўзгаришларнинг асосий сабаби давлат томнидан соҳа фаолиятни кўллаб-қўватлашга қаратилган чора-тадбирлари тизимли олиб бораётганлигидандир. Шу билан бирга суғурта соҳасида капитал жалб қилиш муаммолари, бўш турган пул маблағларни инвестиция қилишнинг ранг-баранг эмаслиги ва қонунчилик билан катта чекловлар мавжудлиги ҳалиям бартараф этилмаганлигини таъкидлаб ўтишимиз лозим.

Ўзбекистонда суғурта бозорининг фонд бозорига таъсири ва суғурта компанияларининг фонд бозоридаги роли янада ошириш мақсадида қуйидаги таклифлар тавсия қилинади:

1. Суғурта компаниялари инвестиция фаолиятига давлат аралашувини камайтириш, суғурта соҳасидаги инвестицион фаолият билан боғлиқ қонунчиликда мавжуд бўлган чекловларни бекор қилиш яъни суғурта компаниялари инвестиция қилиш мумкин бўлган соҳаларни камайтириш ёхуд минималлаштириш чунки давлат томонидан суғурта компаниялари инвестиция фаолиятига аралашув суғурта компаниялари бўш маблағларини

кенгроқ жойлаштириш имкониятини чеклаб, инвестиция фаолиятидан олинадиган даромад самарадорлигини пасайтиришга олиб келади. Бу ўз суғурта компаниялари томонидан навбатида давлат бюджетига тўланадиган солиқларнинг камайишига олиб келади.

2. Суғурта ташкилотларининг депозитларга қўйилган маблағлар, қимматли қоғозлар бўйича фоиз даромадларидан олинадиган солиқ ставкасини камайтириш ёхуд умуман бекор қилиш.

3. Суғурта компанияларининг банк депозитларига қилинадиган қўйилмалар миқдори бўйича максимал чекловни бекор қилиш (хозирда 40%) , чунки бу амалиёт орқали суғурта компаниялари инвестицион фаолияти либераллаштирилади ва даромадларини максималлашишига эришилади , бу ўз навбатида тижорат банкларининг кредит солоҳиятини оширади. Ушбу инвестицияларнинг рентабеллиги бир қатор сабаблар (банк секторининг барқарорлиги) билан боғлиқ, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий соҳани ривожлантиришга туртки бўлади.

4. 2018 йил 2 сенятбрдаги ПФ-3926 сонли “Ўзбекистон Республикасида крипто-биржалар фаолиятини ашкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси президнетининг фармонига асосланган ҳолда, суғурта компанияларига блокчейн технологияларига ёки блокчейн маҳсулотларига (криптовалюталарга) инвестиция қилиш ҳуқуқини бериш. Бу ҳуқуқни бериш орқали суғурта компанияларининг инвестиция қилиш соҳаларинг ранг-баранглигига, рискларнинг диверсификация қилинишига, даромаднинг максималлаштиришга ҳамда суғурта компанияларининг фаолиятнпи модернизациялашга ва бутун жахон суғурта бозорида илғор технологиялар қўллаш бўйича юқори ўриндаги давлатлар қаторидан жой олишга эришилади.

5. Суғурта соҳасидаги илғор мамлакатлар тажрибасини ўрганиб чиққан ҳолда реал иқтисодиётга яъни давлат улуши 30% дан ошиқ бўлган қазиб олиш, ишлаб чиқариш ва қайта ишлашга иҳтисослашган корҳоналарига инвестиция қилиш имконини бериш чунки бундан корҳоналарда рисклилик

даражаси паст ҳисобланади. Бу ўз навбатида мамлакат иқтисодиётининг ўсишига ва жадал даражада ривожланишига туртки бўлиши мумкин.

6. Ўзбекистон Республикаси қимматли қоғозлар бозорида янги инвестиция объектларининг пайдо бўлиши (облигациялар) суғурта компанияларининг бу борадаги фаолиятларини қонунчиликда мувофиқлаштиришни талаб қилиб қўймоқда. Шулардан келиб чиққан ҳолда суғурта компанияларининг облигацияларга инвестиция қилиш меъёрларини белгилаш.

7. Шунингдек суғурта компанияларининг инвестиция объекти бўлган, яъни бошқа юридик шахсларининг устав капиталда иштиро бўйича қўйилган максимал талабларни бекор қилиш (хозирда 30%), бу эса ўз навбатида янги корхоноларнинг кўпайишига, солиқ базасининг ошишига колаверса янги иш ўринларини яратиш имконини беради.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки суғурта бозори республиканинг ўсиб бораётган бозор сегментларидан биридир, шунингдек суғурта компанияларини инвестиция жараёнларига жалб қилиш нуқтаи назаридан жуда муҳим истиқболга эга эканлигини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1.Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.–Т.:Ўзбекистон, 2014.–76 б.
2. Ўзбекистон Республикаси "Фуқаролик кодекси". – Т.:Адолат, 2012.–496б.
3. Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Суғурта фаолияти тўғрисида. – Т.: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2002. 4-5-сон, 68-модда.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Суғурта бозорини янада эркинлаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2002 йил 31 январь, ПФ-3022-сон.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2007 йил 10 апрель, ПҚ-618-сон.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида. 2007 йил 10 апрель, ПҚ-872-сон.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2002 йил 27 ноябрь. 413-сон. / Ўзбекистон Республикаси ҳукумати қарорлари тўплами. - Т.: 2002 йил 11-сон.

8. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари ва маърузалари

9. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 488 б.

10. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 104 б.

11. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 56 б.

12. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 48 б.

3. Дарслик ва ўқув адабиётлари

13. Агеев Ш.Р., Васильев Н.М., Катырин С.Н. Страхование (теория, практика и зарубежный опыт). – М.: Экспертное бюро, 2009. – С. 497.

14. Архипов А.П., Гомелля В.Б. Основы страхового дела. Учебное пособие. – М.: "МаркетДС", 2002. – С. 413.

15. Александров А.А. Страхование. – М.: Издательство ПРИОР, 1998. – С.192.

16. Балабанов И.Т. Риск-менеджмент. М.: Финансы и статистика, 2006. – С. 250.

17. Балабанов И.Т., Балабанов А.И. Страхование. - СПб: Питер, 2001. -С. 350.

18. Белых В.С. Страховое право. – 3-е изд., перераб. и доп. М.: «Норма», 2009. – С. 352.

19. Гвозденко А.А. Основы страхования: Учебник. – М.: Финансы и статистика, 1998. – С. 306.

20. Гражданское право / под ред. Е. Н. Суханова. – Т. 2. – М., 2009. - С. 496.

21. Журавлев Ю.М., Секерж И.Г. Страхование и перестрахование (теория и практика). М., Анкил, 1993. – С.184.

22. Лисочкина Т.В., Окорокова Л.Г. Социально-экономические проблемы рационального природопользования и охраны окружающей среды в энергетике. Учебное пособие. Л.: ЛПИ, 2006. – С. 168.

23. Страхование: под ред. проф. Федоровой М.А. – М.: Издательство БЕК, 2002. – С. 746.

24. Сплетухов Ю.А. Страхование: Учебное пособие. М: ИНФРА-М, 2010. – С. 312.

25. Федорова Т.А. Основы страховой деятельности. -М.:БЕК, 2001.- С. 871.

26. Худяков А.И. Страховое право. – СПб.: Юридический центр Пресс, 2004. – С. 691.

27. Шинкаренко И.Э. Страхование ответственности: Справочник. 2-е изд., испр. и доп. – М.: Анкил, 2011. – С. 308.

28. Кожевникова И.Н. Финансово-экономические взаимоотношения страховых организаций и банков // Финансовый менеджмент, 2005. – №6. - С. 83-90.

29. Кудрявцев О.А. Банковское страхование: сотрудничество и конкуренция// Банковское дело, 2005. - №8. - С.44-48.

30. Мирсадыков М.А., Мирсадыков М.М. Страховие имущества: практическое пособие. – Т.: 2014. – 251 с.

31. Страхование и управление риском: Терминологический словарь. / Сост.: В.В.Тулинов, В.С.Горин. – М.: Наука, 2000. – С. 565.

32. Тукманова Д.П. Страхование финансовых рисков. Казань, 2002. – С. 152.

33. Умаров С.А., Ўзбекистонда суғурта фаолияти ривожланишини бошқариш. – Т.: Фан, 2009. – 127 б.

34. Федорова ТА. Основы страховой деятельности. - М.: БЕК, 2011. – С. 776.

35. Шахов В.В. Страхование. 4-е изд., перераб. и доп. - М., 2011. –С. 399.

36. Юлдашев Р.Т. Страховой бизнес: Словарь-справочник. – М.: АНКИЛ. 2005. – С. 272.

4. Даврий нашрлар (газета ва журналлар)

37. Аскинадзи В.М. (2014) Инвестиции: - М.: “Юрайт”, 422 с.

38. Алексеев Н.Е. (2010) Актуальные проблемы экономики: Омск. СибАДИ, 13-16 с.

39. Турсунов Г.П., (2015) Роль страховых компании в деятельности РФБ «Тошкент» / biznes-экперт Номер: №2(86)

40. Ходжаева Г. (2015) Роль страховых компаний на фондовом рынке. / biznes-экперт номер 5 (88)

41. Годин А.М., Фрумина С.В. (2009) Страхование: Учебник. - М.: Издательско-торговая корпорация «Дашков и К», - с. 36.

42. Романова А. А, Улыбина Л. К. (2017) Состояние и перспективы развития мирового страхового рынка. Региональная экономика и управление: электронный научный журнал // Номер журнала: №4 (52).

43. Улыбина Л.К., (2014) “Глобализации” issue 3 (127), pages 69-77.

44. Казакова А.А. (2013) Перспективы развития инвестиционно-страховых продуктов в России. Специальность – 08.00.10 – Финансы, денежное обращение и кредит. АВТОРЕФЕРАТ Диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – 28 стр.

45. Казакова А.А. (2012) Анализ факторов и перспективы развития инвестиционно-страховых продуктов в России / Казакова А.А // Финансы и кредит. - № 26(506). – 1 п.л.

46. Sangyong Hana, Gene C. Lai b, Chia-Ling Hoc. (2018) Corporate transparency and reserve management: Evidence from US property-liability insurance companies. Journal of Banking and Finance №96. p 379–392

47. Chrysovalantis Gaganisa, Iftekhar Hasanb, Panagiota Papadimitrie, Menelaos Tasioue (2019). National culture and risk-taking: Evidence from the insurance industry. Journal of Business Research №97, p 104–116

48. Смирнова Н.В. (2013) Механизм формирования страховых резервов как средство повышения эффективности функционирования страхового рынка. “Российское предпринимательство” № 15 (237).

49. Афанасьев А.С. (2013) Управление инновационным развитием предприятий реального сектора экономики. *Проблемы социально-экономического развития*. №11. С. 9-15.

50. Балдин К.В. (2013) Инвестиции: системный анализ и управление: М.: “Дашков и К”, 288 с.

51. Блау С.Л. (2014) Инвестиционный анализ: М.: “Дашков и К”, 256 с.

52. Булатов А.С. (2015) Макроэкономика: М.: “Юрайт”, 405 с.

53. Голов Р.С. (2014) Инвестиционное проектирование: М.: “Дашков и К”, 368 с.

54. Гришина О.А. (2009) Синхронность современных фондовых кризисов и стратегия создания моделей в финансах. *Финансы, № 6,* 17-21 с.

55. Гребенщиков Э.С. (2009) Финансовый кризис в мире: последствия и уроки для страхового бизнеса, регуляторов и страхователей. Финансы, № 3, с. 54-61.

56. Громыко-Пирадова С.В. (2009) Современная международная экспортно-кредитная система. Международные банковские операции, № 2, 26-29 с.

57. Золотарчук В.В. (2014) Макроэкономика: М.: “Инфра – М”, 608 с.

58. Зубченко Л.А. (2012) Иностранные инвестиции: М.: “Книгодел”, 184 с.

59. Игонина Л.Л. (2012) Инвестиции: Под ред. В.А. Слепова: М.: “Юристъ”, 480 с.

60. Казаченко О.Н., Лисицын В.В., Ермихина Е.В., Сильманович О.Н. (2009) Страхование коммерческих (торговых) кредитов в условиях экономического кризиса: проблемы теории и практики. Право и экономика, № 9, 115-123 с.

61. Кистер М.С. (2013) Эффективность влияния государства на динамику инвестиций в экономике. *Экономика и менеджмент инновационных технологий (Электронный ресурс)* (11 мая 2018 г.)

62. Кузнецов Б.Т. (2014) Инвестиционный анализ: М.: “Юрайт”, 361 с.

63. Лошманова Е.В., Яблочкина Е.Е. (2016) Роль страхования в рыночной экономике. *VIII Международная студенческая электронная научная конференция* “Студенческий научный форум 2016”.

64. Мадиярова А.Н. (2013) Страховая сумма при страховании риска ответственности. *Научный журнал КубГАУ№90 (06).*

65. Мальгин В.А. (2011) Проблемы интеграции реального и финансового секторов экономики России: Казань.: “Познание” 200 с.

66. Насунова Л.А. (2015) Инвестиции как активный элемент в деятельности предприятий. *Современные научные исследования и инновации (Электронный ресурс)* (10 мая 2018 г.)

67. Орлов М.Г. (2011) Роль институтов в содействии развития реального сектора экономики. *Проблемы современной экономики*, №3. С. 358-360 с.

68. Поздняков В.Я. (2014) Экономика предприятия (организации): М.: ”Инфра – М”, 319 с.

69. Чернов, В.В. (2009) «О роли страхования в условиях инновационной экономики», журнал «Экономические стратегии – ЭС», №.07. 180-184 стр.

70. Bauer N., Gerber X., Jones D., Nesbitt S., Hickman J., (2001). Актуарная математика. Перевод с англ./ Под ред. В. К. Малиновского. М.: Янус-К, -656 с.

5. Интернет сайтлари

71. http://www.mf.uz – (Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг расмий сайти).

72. http://www.press-service.uz – (Ўзбекистон Республикаси Президентининг матбуот хизмати).

73. http://www.znay.ru – (Электрон кутубхона).

74. http://www.saipro.uz – (“Saipro” рейтинг агентлиги расмий сайти).

75. http://www.raexpert.ru – (Эксперт РА Рейтинг агентлиги).
76. https://www.sciencedirect.com – (маълумотлар қидирув базаси)